

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ номидаги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

«САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ БОШҚАРИШ» ФАКУЛЬТЕТИ

«ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ» КАФЕДРАСИ

5860100 Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таълим йуналишининг 29-08 гуруҳ
талабаси Саматов Бегзодвичнинг бакалавр даражасини олиш учун

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

**Мавзу: «Табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар юзага
келганда авария-қутқарув ишларини олиб бориш тартиби»**

Кафедра мудири

доц. Петросова Л.И.

Рахбар

доц. Юлдашев О.Р.

Битирувчи

Саматов Б. 29-08 гр.ХФХ

Тошкент-2013 йил

KIRISH.

*“Сиёсатимизнинг асл моҳияти шуки,
аҳолини хавфсизлигини таъминлаш,
уларни турли хил офатлардан ва
фавқулодда вазиятлардан ҳимоя
қилишидир”*

Ислом Каримов

Илмий-техника тараққиёт, мураккаб ва мукаммал технологик жараён нечоғли жадал суръатлар билан ривожланмасин ҳамон “Коинот-Ер-Инсон-Жамият” ўртасидаги узвий боғлиқларнинг баъзи тугунлари хали ҳамон уз ечимини тополмай колмоқда.

Мана шундай муаммолардан бири табиий офатлардир. Кейинги вақтларда сайёрамизнинг турли бурчакларида содир бўлаётган воқеаларни умумлаштириб таҳлил қилсак, табиий офатлар йилдан-йилга ортиб бориб, кенг майдонларни қамраб олаётганлигига яна бир бор амин бўламиз.

Кўпгина давлатларда олиб борилаётган изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, юзага келиши мумкин бўлган ҳодисаларни олдиндан ўрганиш, башоратлаш, унинг негизида огоҳлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқариш, нафақат нохуш вазиятлар келтирадиган иқтисодий зарарни тежаб қолишга, балки инсонлар ўртасидаги шикастланиш кўрсаткичларини пасайтиришга олиб келади.

Биз янги минг йиллик шароитида яшар эканмиз, энг аввало янгича фикрлаш, янгича яшаш шароитига ўтиш лозим. Бу шароитда инсон-табиат-жамият ўртасидаги мувозанатни сақлаш фақат қонунлар устворлиги ва кенг кўламда изланишлар асосида бўлиши мумкин.

Барча фуқаролар томонидан ҳуқуқий меъёрларга риоя этиш, қонун талабларини бажариш, қонунга итоаткорлик демократик фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданияти даражасининг кўрсаткичидир.

Президентимиз таъбири билан айтганда биз ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айна замонда

шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак. Энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қатори қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг ташкил этилган Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий вазифаларидан бири ҳам фавқулодда вазиятларда аҳоли ҳаёти, соғлигини, моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилишдан иборат.

Mamlakatimiz milliy davlat siyosatining ustivor yo'nalishlaridan biri aholini va hududlarni tabiiy va texnogen favqulodda vaziyatlarda muhofaza qilishi, xavfsizlikni ta'minlash, barqaror iqtisodiy rivojlanishga erishishdan iboratdir. Bu esa favqulodda vaziyatlarni oldindan aniqlash va aholini bu xavfdan ogohlantirish borasida o'tkazishni taqazo etadi. Bu borada Prezidentimiz boshchiligida hukumatimiz tomonidan bir qancha xayirli ishlar amalga oshirilmoqda. Favqulodda vaziyatlarni oldindan aniqlash va aholini bu xavfdan ogohlantirish borasida samarali tadbirlar o'tkazish, favqulodda vaziyat yuz berganda tezkor harakat qilish, insonlarni qurbon bo'lishiga yo'l qo'ymaslik, iqtisodiy zarar kam bo'lishi, xavfsizlikni o'z vaqtida ta'minlash borasida kўpgina ishlar amalga oshirilmoqda.

Mamlakatimiz aholisini xalq xo'jaligi inshootlari va sohalarini tabiiy va texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilishni yuqori darajaga ko'tarish, turli favqulodda vaziyatlarni oldindan bashoratlash va aholini bunday vaziyatlardan ogohlantirish, talafot yuz bergan taqdirda kechiktirib bo'lmaydigan qidiruv-qutqaruv ishlarini olib borish hamda talafotlar oqibatlarini bartaraf etishda hozirgi kunda har bir fuqaro malakaga ega bo'lishi va uni hayotga ta'dbiq eta olishi lozim.

Турмушимизда биз кўпгина табиий ва техноген хавф-хатар билан тўқнашамиз ва улардан кўриладиган талофатларни камайтиришга уринамиз. Уй-жой ичидаги хавфсизлик ва фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш

қоидаларини ўрганиш табиий офатлар хавфи юқори ҳудудларда яшаганда энг оқилона эҳтиёткорлик чораларидир.

Биринчи навбатда муайян яшайдиган ҳудудимизда у ёки бу табиий офатларнинг юзага келишини аниқлашимиз ва шундан кейингини у олдини олиш ёки хавфини камайтириш чора-тадбирларини кўришимиз мумкин.

Бугунги табиат инжиқликлари кўп кузатилаётган бир вақтда аҳолининг юз бериши мумкин бўлган табиий офатлар, уланинг хусусиятлари, келтириши мумкин бўлган талофатларини камайтириш усуллари ҳақида билим ва кўникмаган эга бўлишлиги ўта муҳим масаладир.

АСОСИЙ КИСМ

1-БОБ. "Фавқулодда вазиятларда" фуқаро муҳофазаси

1.1 Фуқаро муҳофазасининг ҳозирги замон шароитидаги вазифалари ва аҳамияти.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Фавқулодда вазиятлар вазирининг кўрсатма ва бошқа тегишли меъёрий ҳужжатлари ташкил этади.

Инсон ҳаётига турли хил хавф-хатарлар ҳам таҳдид солиб турадики, уларни асло назардан четда қолдириш мумкин эмас. Булар турли табиий офатлар, авария, ҳалокатлардир. Содир бўлиб ўтган бир нечта ҳалокатлар (Чернобил атом электр станциясидаги авария, 25 000 одамнинг ёстиғини қуритган Спитак zilзиласи ва бошқ.) фуқаро мудофаасининг ўрни ва вазифаларига бошқача кўз билан қараш керак эканлигини кўрсатиб берди. Фуқаро мудофааси кўшинлари бундай йирик кўламдаги офатларга қарши курашишга тайёр эмас эканлиги, фуқаро мудофааси вазифалари фақатгина ҳарбий давр чегарасида қолишлиги мумкин эмаслиги, улар олдига қўйилган вазифалар кўламини кенгайтириш лозимлиги аён бўлиб қолди.

Фавқулодда вазият – одамлар қурбон бўлиши, уларнинг соғлиги ёки атроф табиий муҳитга зарар етиши, жиддий моддий талофатлар келтириб чиқариши ҳамда одамлар ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса ёки бошқа табиий офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган вазият.

Ватанимиз Президенти томонидан олиб борилаётган одилona сиёсат туфайли инсон манфаати, инсон қадрияти энг олдинги ўриндадир. Асосий Қомусимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосини ҳам инсон, унинг қадр-қиммати, саломатлиги ташкил этади. Инсоннинг ҳаёти, яшашга бўлган ҳуқуқи Конституция билан муҳофаза қилинади.

Ўзбекитсон Республикаси Президенти фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемия) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистоан Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекитсон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади.

Олий мажлиснинг ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш киради.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг ташкил этилган Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий вазифаларидан бири фавқулодда вазиятларда аҳоли ҳаёти ва соғлигини, моддий ва маданий бойликларини муҳофаза қилишдан иборат. Бу вазифани самарали ташкил этиш учун муҳофазанинг қонуний, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, муҳандислик техник, махсус асосларига эга бўлишимиз зарур.

Ҳар бир раҳбар, ҳар бир фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасининг ходими табиий ва техноген фавқулодда вазиятлар юзага келган вақтда вазиятга баҳо беришни, тезлик билан тегишли қарорлар қабул қилишни, қидирув-қутқарув ва шошилиш ишларни ўтказишда бошқарувни амалга ошириш йўллари билиши ва бу борада юқори малакага эга бўлмоғи керак.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш – фавқулодда вазиятлар содир бўлганда ўтказилиб, одамлар ҳаёти ва соғлигини сақлаш, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талофатлар миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазиятлар содир бўлган зоналарни халққа олиб, хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган ***авария-қутқарув ишлари*** ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишлар мажмуи.

1.2. Фуқаро муҳофазаси соҳасида қабул қилинган Ўзбекистон

Республикаси Қонунлари

1999 йил 20 августда қабул қилинган **“Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”**ги қонун фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Ушбу қонун аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиди ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши ва ривожланишининг олдини олиш, фавқулодда вазиятлар келтирадиган талафотларни камайтириш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этишни мақсад қилиб қўяди.

Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг барча даражадаги органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилишнинг асосий тамойиллари, мақсадлари, вазифалари ва усуллари аниқланиб, мустаҳкамлаб қўйилган

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг асосий тамойиллари инсонпарварлик, инсон ҳаёти ва соғлигининг устуворлиги; ошкоралик; ахборотнинг ўз вақтида берилиши ва ишончли бўлиши; фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чораларининг олдиндан кўрилишидан иборат,

- фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай вазиятларда аҳоли ҳаёти ва соғлигини, моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш, шунингдек, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ва зарарни камайтириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

-фавқулодда вазиятлар шароитида авария-қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишлар ўтказилишини ташкил этади;

-аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

-ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектлар бўйича лойиҳалар ва қарорлар юзасидан давлат экспертизаси ўтказилишида иштирок этади;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1999 йил 20 августда қабул қилинган **“Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”**ги қонуннинг қабул қилиниши фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатини оғишмай амалга ошириш, ҳақиқий хавф-хатар манбаларини ва уларнинг табиатини англаб етиш ҳар бир кишига ўзини юз бериши мумкин бўлган авария, ҳалокат, табиий офатлардан муҳофаза қилинганини сезиш имкониятини бериб, қонун V бўлим 27 та моддалардан иборат.

Маълумки, республикамізда мавжуд бўлган гидротехника иншоотларида авария, ҳалокат юз бергудек бўлса, аҳоли ва ҳудудларимизга маълум миқдорда хавф туғдириши мумкин. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясида, яъни 1999 йил 20 августда қабул қилинган қонунлардан бири **“Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”** деб номланди.

Қонун 15 моддадан иборат. Ушбу қонуннинг мақсади гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш, уларни реконструкция қилиш, консервациялаш ва тугатишда хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолиятни амалга оширишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

1.3. Фуқаро муҳофазаси соҳасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги 455-сонли **“Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда**

вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги қарорида мамлакатимиз ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган барча фавқулодда вазиятлар келиб чиқиш характери ва ўлчамларига кўра таснифлаб берилган.

Фавқулодда вазиятлар характери кўра табиий, техноген ва экологик ҳамда ўлчамига кўра локал, маҳаллий, республика ва трансчегара фавқулодда вазиятларга бўлинади.

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимида кадрлар тайёргарлиги масаласи муҳим ўрин тутди.

Аҳолини ва раҳбарлар таркибини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 20 октябрда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида”**ги 427-сонли қарорида баён қилиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш мулкчилик шаклларида қатъий назар корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда, шунингдек яшаш жойида уларнинг ёшлари ва ижтимоий гуруҳлари бўйича ўтказилиши лозим. Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича тайёргарликдан ўтган фуқароларимиз муҳофазаланишнинг қоидаларини, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари, жамоа ва яқка тартибдаги муҳофаза воситаларидан фойдаланиш қоидаларини билишлари зарур.

Аҳолини фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилишга тайёрлаш учун Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бир нечта вазирликлар - Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда фаолият кўрсатишиб келмоқда. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги билимлар аҳоли ўртасида кенг ташвиқот қилиниши, ўқув дастурлари ишлаб чиқирилиши, ўқув қўлланмалари, дарсликлар тайёрланиши талаб этилади.

Тайёргарлик ишларини олиб боришни самарали ташкил этиш мақсадида ҳар бир ўқув йилига ташкилий кўрсатмалар қабул қилинади. Унда

умумий ўрта таълим муассасалари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, олий ўқув юртлири, корхона, ташкилот ва муассасаларда, шунингдек аҳоли манзилгоҳларида алоҳида дастур асосида тайёргарлик ишлари олиб борилиши зарурлиги таъкидланиб, ўрганилиши лозим бўлган мавзуларнинг тахминий рўйхатлари келтирилади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил топгунга қадар ҳам аҳоли саломатлигини таъминлаш, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш масалаларига катта аҳамият берилган. Бу борада республикаимиз ҳукумати томонидан бир нечта қарорлар қабул қилинган. Улардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 12 апрелда қабул қилган **“Тошқин, сел оқимларини оқизиб юбориш ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ бўлган ҳалокатли оқибатларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 201-сонли қароридир.

Маълумки, ҳар йили сел, тошқин, ўпирилиш ва кўчкилар туфайли юзага келадиган фавқулодда вазиятлар катта вайронагарчиликларга сабаб бўлади, республика иқтисодиётга жиддий зарар етказилади, баъзан эса одамларнинг ўлимига сабаб бўлади. Сел, тошқин оқимларини талафотсиз оқизиб юбориш, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида жойларда табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш, шунингдек, одамларнинг тўлиқ хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишларни ташкил этиш учун шахсий жавобгарлик вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг зиммасига юкланади.

Бундай хусусиятли фавқулодда вазиятлар ҳар йили такрорланиб туришини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу мазмунда бир қатор қарорлар қабул қилган. 2001 йилнинг 16 мартдаги 132-сонли ва 2002 йилнинг 26 мартдаги 96-сонли, 2003 йилнинг 7 мартдаги 124-сонли қарорлар шулар жумласидандир.

Давлат стандартлари. Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ва иқтисодиёт объектларини табиий ҳамда техноген хусусиятли турли халокатлардан муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли тадбирлар орасида ҳукукий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Мана шундай муҳим ҳужжатлардан бири Давлат стандартлари ҳисобланади.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фуқаро муҳофазасига оид меъёрий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини тошқин сувлари, сел оқимлари ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ табиий тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш мақсадида 2006 йил 15 феввалида **“Аҳоли ва ҳудудларни сел тошқинлари ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширилиши тўғрисида масъул ходимлар учун Йўриқнома”** ишлаб чиқилган.

Ушбу йўриқномада вилоятларга бириктирилган Ҳукумат комиссияси аъзолари вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг вакиллари билан биргаликда жойлардаги энг хатарли ҳудудларда (маҳаллаларда) аҳолини жалб қилган ҳолда ҳудудий тошқинларга қарши комиссияларнинг мажлисларини ўтказишни, хавфли жойларда яшайдиган аҳолига ёзма огоҳлантириш беришни, лозим топилса аҳолидан ёзма тилхат олиниб, тегишли баённомалар расмийлаштирилгандан кейин, туман ва вилоятлар миқёсида тадбирлар ўтказилиб, шундан кейин тегишли қарорлар қабул қилишни таъминлашни лозимлиги ва бундан ташқари ёғин-сочин мавсумини беҳатар ўтказиш борасида яна қандай тадбирлар ташкил қилиниши ва ўтказилиши мукамал баён қилинган.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларни табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар содир бўлганида ёки содир бўлиш эҳтимоли туғилганида аҳолини хавфсиз жойларга вақтинчалик ҳамда доимий

эвакуация қилишни янада такомиллаштириш мақсадида 2006 йил 8 ноябрида **“Табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар туғилганда аҳолини эвакуация қилиш бўйича Тавсиянома”** ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунга келиб бутун жаҳонда, шу жумладан республикамизда табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг кескин ортиб бориши, уларнинг кўламларини ўзгаришини назарга олган ҳолда ушбу Тавсияномада ФВДТ ва Фуқаро муҳофазасининг барча тузилмалари ходимларининг республика аҳолисини табиий офат балоларидан ва бошқа хавфлардан муҳофаза қилиш борасида масъулияти ошиб бораётганлиги, аҳолини хавфсиз жойларга эвакуация қилиш тадбирларининг ҳозирги замон талабларига мос келадиган даражада ташкил этишлари, бунинг учун қандай тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш лозимлиги баён қилинган.


“Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатини оғишмай амалга ошириш, ҳақиқий хавф-хатар манбаларини ва уларнинг табиатини англаб етиш ҳар бир кишига ўзини юз бериши мумкин бўлган авария, ҳалокат, табиий офатлардан муҳофаза қилинганини сезиш имкониятини беради. Шу қонун талабларини бажариш ҳамда республика аҳолисини фавқулодда вазиятлардан огоҳ этиш тадбирларининг янада ижобий томонга ўзгартириш мақсадида 2006 йилда вазирлик томонидан **“Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш режалари мазмуни ва тизими тўғрисида Тавсиянома”** ишлаб чиқилди.

2-БОБ. “Фавқулодда вазиятлари” таснифи.

2.1. Фавқулодда вазиятларнинг турлари.

Фавқулодда вазият – одамлар қурбон бўлиши, уларнинг соғлиги ёки атроф табиий муҳитга зарар етиши, жиддий моддий талофатлар келтириб чиқариши ҳамда одамлар ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб

келган ёки олиб келиши мумкин бўлган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса ёки бошқа табиий офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган вазият.



Ҳар бир фавқулодд вазият рўй бериш жойи, сабаби, кўлами, у билан боғлиқ бўлган моддий зарар ва бошқа хусусиятлари билан ажралиб туради.

Ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири фавқулодда вазиятлар, талофатлар, авариялар, фалокатлар ва турли-туман офатларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланишини башоратлаш, олдиндан давлат органлари ва аҳолини яқинлашиб келаётган офатдан огоҳ этишдан иборатдир.

Фавқулодда вазиятлар уларнинг вужудга келиш сабабларига (манбаларига) кўра тасниф қилинади ва ушбу вазиятларда зарар кўрган одамлар сонига, моддий зарарлар миқдорига ва кўламига (ҳудудлар чегараларига) қараб локал, маҳаллий, республика ва трансчегарали турларига бўлинади.

2.2. Табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар

1.Хавфли геологик ҳодисалар:

Зилзила - одамлар ўлимига, маъмурий ишлаб чиқариш биноларини, технологик асбоб ускуналарининг, энергия таъминоти, транспорт коммуникациялари ва инфраструктура тизимларининг, ижтимоий йўналишдаги биноларнинг ва уй-жойларнинг турлича даражада бузилишига, ишлаб чиқариш ва одамлар ҳаёт фаолиятининг издан чиқишига олиб келган зилзилалар;

Ер кучиши, упирилишлар - одамлар ўлимига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган ва хавфли ҳудуддан одамларни вақтинча кўчиришни ёки хавфсиз жойларга доимий яшаш учун кўчиришни талаб қилувчи ер кўчишлари, тоғ ўпирилишлари ва бошқа хавфли геологик ҳодисалар.

2. Гидрометеорологик хавфли ҳодисалар:

Сув тошқини - одамлар ўлимига, аҳоли пунктларини, саноат ва қишлоқ хўжалик объектларини сув босишига, инфратузилмалар ва транспорт коммуникациялари, ишлаб чиқариш ва одамлар ҳаёт фаолияти бузилишига олиб келган ва шошилиш кўчириш тадбирлари ўтказилишини талаб қиладиган сув тошқинлари, сув ўпирилишлари ва селлар;

Қор кучкилари - аҳоли пунктларини, санаторий, дам олиш уйларидаги, соғломлаштириш лагерларидаги одамларнинг, туристларнинг ва спортчиларнинг жароҳатланишига ва ўлимига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган қор кўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), жала ва бошқа хавфли гидрометеорологик ҳодисалар.

Сел - Тоғ ҳудудларида кучли ёмғирларнинг ёгиши, музлик ва қорларнинг тез эриши натижасида ҳосил булган дарё тошқинларини, тоғ ён бағриларида нураган тоғ жинси булакларини сув оқими билан текисликка томон оқизиб туширилиши сел ходисаси деб юритилади. Сел оқими массасининг тахминан

50-60 фоизи турли катгаликцаги тоғ жинси йигиндиларидан, усимлик ва дарахг булакларидан иборат булади.

Сел, сув тошқини, тўпланиши оқибатида фаровон ҳаётни издан чиқарувчи, аҳоли турар жойларига, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектларига жиддий таъсир кўрсатиши натижасида шошинч кўчириш тадбирлари билан тугалладиган хавфли вазиятлар.

2.3. Техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар:

Ўзбекистон Республикасида асосан техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан-кимёвий хавфли объектларда, энергетика тизимларида, гидротехника иншоотларида, саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарида, газ саноатларида ва транспорт воситалари билан боғлиқ авриялар ҳамда табиий турдаги фавқулодда вазиятлар-геологик хавфли ҳодисалар (зилзилалар, ер кўчиши, тоғ жинсларининг кўчиши, қор кўчиши) ва гидрогеологик хавфли ҳодисалар (сув тошқинлари, сув тўпланишлари, сел)лар кўпроқ учраб туради (ўқув қўлланмасининг кейинги бобларида юқорида қайд этилган турдаги фавқулодда вазиятларга кенгрок тўхталиб ўтамиз).

Республикаимиз ҳудудларида учрайдиган табиий офатларнинг ҳосил бўлишида геофизик, геологик, гидрогеологик, атмосфера ва бошқа омиллар асосий ўринни эгаллайди. Улар оқибатида ҳаёт хавфзлиги бузилади, инсонлар нобуд бўлади, иқтисодиёт объектларига турли даражада моддий зарар етказилади.

Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

1) *Транспортлардаги авариялар ва халокатлар* — экипаж аъзолари ва йуловчиларнинг улимига, хаво кемаларининг тулик парчаланишига ёки каттик шикастланишига ҳамда кидирув ва авариякилирув ишларини талаб киладиган авиа халокатлар;

Ёнгинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб булган ва темир йул ходимларининг халокат ҳудудидаги темир йул платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларида булган одамлар

улимига, шунингдек, ташиланган *кучли* таъсир курсатувчи захарли модца (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг захарланишига олиб келган темир йул транспортдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнгинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар улими (жароҳатланиши, захарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йултранспорт ходисалари;

Одамларнинг улимига, шикастланишига ва захарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнгинлар;

Газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очик нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

2) *Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:*

Товаракатроф табиий муҳитга таъсир қилувчи захарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва усимликларнинг қуплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йул қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария — химоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнгин ва портлашлар.

3) *Ёнгин портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар:*

Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамца бошка ёнгин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, захарланишларига ва улимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаётфаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнганлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, захарланишига ва улимига олиб келадиган ҳамда кидирувкуткариш ишларини утказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва воситаларини куллашни талаб қилувчи кумир шахтапаридоғи ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғликавариялар, ёнгинлар ва жинсларнинг купорилиши.

4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқхўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЭС, ГРЭС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик марказларидаги электр тармоқлардаги бугқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ таксимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнгинлар, аҳоли ҳаётфаолиятининг бузилишига ва саломатлигига ҳавф туғилишига олиб келадиган газ қувурлардаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектлардаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига ҳавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.Ф

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар улими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан авария қутқарув утказилишини ҳамда зарар қурганларга шоншшнч тиббий ёрдам қурсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йуналишдаги объектлар, шунингдек, уйжой сектори бинолари конструкцияларининг тусатдан бузилиши, ёнгинлар, газ портлаши ва бошқа ҳодисалар.

6) Радиоактив ва бошқа ҳавфли ҳамда экологик жихатдан зарарли моддалардан фойдаланиши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария химоя худуди ташкарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо буладиган юкори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йул қуйиладиган қуп микдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йукотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, саклаш ва ташишни амалга оширувчи илмийтадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-мухитга чиқиб кетиши ёки йукотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги халокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йуллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган худудларда одамлар улимига, саноат ва қишлоқ хужапиғи объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятинингбузилишига олиб келадиган ва шошилиш кучириш тадбирларини талаб қиладиган халокатли сув босишлари.

2.4. Табиий офатларнинг турлари ва юз бериш сабаблари

Табиий офатлар тўғрисида аҳоли етарли маълумотга эга бўлиши учун уларнинг турларига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига мувофиқ табиий хусусиятга эга бўлган фавқулодда вазиятлар қуйидаги бўлимларга бўлинади:

1. Зилзила, ер қўчиши ва ер ўпирилиши.
2. Гидрометрологик: сув тошиши ёки босиши, сел, қор қўчқиси, қучли шамоллар, довуллар, жала, ёмғир.

Жамият, техника, технология ва дунё цивилизациясининг тараққиётига қарамасдан дунё борган сари табиий офатлар ҳавфига нисбатан заиф бўлиб бормоқда. Табиий офатлар сони эса йилдан йилга ортиб бормоқда. Ҳозирги

кунда биз дунёнинг кўп ҳудудларида турли кўринишдаги авариялар, табиий офатлар ва техноген тусдаги офатларнинг содир бўлишига гувоҳ бўляпмиз.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ташкил этилган Фавкулудда вазиятлар вазирлигининг асосий вазифаларидан бири ҳам фавкулудда вазиятларда аҳоли ҳаёти ва соғлигини, моддий ва маънавий бойликларини муҳофаза қилишдан иборат.

Табиий офатлар содир бўлиши оқибатида зарарланиш фавкулудда вазиятларнинг қуйидаги кўринишларини, яъни бузилиш, ёнғин чиқиши, сув тошқини, турар жой иншоотларининг кўчки, ер ўпирилиши, қор кўчкиси, сел қуйқумлари остида қолиб кетиши ва ҳ.к. билан характерланади.

Табиий офатларнинг энг даҳшатлиси zilzila ҳисобланади. Охириги 50 йил ичида бўлиб ўтган кучли zilzilalar ичида вайронагарчилик ва қурбонлар миқёсига кўра Чили, Сан-Франциско, Токио, Ашгабот ва Арманистон, Тошкентдаги, Эрон ва бошқалар ажралиб туради.

Японияда 2011 йил 11 мартда 9 балли кучли ер қимирлаши рўй берган. Унинг эпицентри йирик Сендай шахрининг марказида жойлашган бўлиб, жуда катта қўламдаги муҳандислик ва коммунал иншоотларнинг вайрон бўлишига, уй-жойларни бузилишига олиб келди. Бу офат натижасида уйларнинг бузилган бўлаклари остида 30 минг одам нобуд бўлган ва бедарак йўқолган, минг-минглаб oilalar уй-жойсиз қолган.

1995 йил 27 майда Россия давлатининг Нефтегорск шахрида (8 балл кучланишга эга бўлган ўта кучли ер силқиниши содир бўлди. Маълумотларга кўра унинг оқибатида шахардаги 95 фоиз ошиқ иншоотлар вайрон бўлган ва 1841 нафар фуқаро нобуд бўлган.

Республикамиз ҳудудларида учрайдиган табиий офатларнинг ҳосил бўлишида геофизик, геологик, гидрогеологик, атмосфера ва бошқа омиллар асосий ўринни эгаллайди. Улар оқибатида ҳаёт хавфзлиги бузилади, инсонлар нобуд бўлади, иқтисодиёт объектларига турли даражада моддий зарар етказилади.

Геофизик омиллар - ернинг физик хусусияти (магнит, электр, гамма фаоллик, иссиқлик ва бошқ.) натижасида юзага келадиган турли ноҳуш вазиятлар мажмуасини содир этади.

Геологик омиллар - ернинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган ва ҳозирги вақтгача давом этиб келадиган ички ва ташқи (эндоген ва экзоген) кучлари таъсирида пайдо бўладиган хавфли жараёнларни юзага келтиради.

Гидрогеологик омиллар - ер ости ва устидаги сувлар (гидросфера) таъсирида бевосита юзага келадиган ноҳуш вазиятлар тушунилади.

Атмосфера омиллари - ернинг атмосфера қатламидаги ўзгаришлар (иқлим, об-ҳаво, ифлосланиш, озон қатлами ва бошқ.) натижасида хавфли ҳолатлар пайдо бўлишига олиб келади.

Республикаимиз ҳудудларида ҳар тўртала гуруҳга тааллуқли хавфли ҳалокат ва жараёнлар учраб туради. Улардан зилзила, кўчки, ўпирилиш, сув тошқини ва селлар нисбатан кўпроқ учрайди. Кейинги вақтларда олинаётган маълумотлар, олиб борилаётган тадқиқот ишлари ва кузатув натижалари йилдан-йилга табиий офатлар сони ортиб бораётганлигини тасдиқламоқда. Айниқса, кўчки, тошқин ва селлар миқдорий жиҳатдан юқори кўрсаткични эгаллаб турибди. Масалан, 1999 йили республикаимизда 600 га яқин кўчки, сел ва тошқинлар рўй берган бўлса, бу рақам 1997 йилга нисбатан 3,5 ва 1996 йилга нисбатан 6 баробар ортганлигини кўриш мумкин.

Уларнинг аксарият қисми Фарғона, Сурхондарё, Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида, яъни тоғли ва тоғ олди ҳудудларида учрамоқда.

3 БОБ. АВАРИЯ-ҚУТҚАРУВ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ.

3.1. Табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар юзага келганда авария-қутқарув ишларини олиб бориш.

Кўп ҳолларда қидирув қутқарув ишларини вайроналар шароитида олиб боришга тўғри келади. Вайрона деб қурилиш материаллари ва

конструкциялари, технологик ускуналарнинг бўлаклари, санитар-техник воситалар, уй жиҳозлари ва тошларнинг бетартиб бостирилишига айтилади.

Вайроналар ҳосил бўлишининг сабаби табиий офатлар (зилзила, сув тошқини, сунами, ер кўчкиси, шамол, сел оқимлари, тўфонлар), материаллар эскириши ва коррозиясига олиб келувчи табиий омиллар таъсири (атмосфера намлиги, ер ости сувлари, тупроқнинг чўкиши, ҳаво ҳароратининг кескин ўзгаришлари), лойиҳалаш ва қурилиш жарайонидаги хатоликлар, фойдаланиш ва эксплуатация қоидаларининг бузилиши, ҳарбий ҳаракатлар. Биноларнинг бузилиш даражаси таъсир этувчи омилнинг кучига, унинг таъсир етиш давомийлиги, конструкциянинг зилзилага бардошлилиги, қурилиш сифати, эскириш даражасига боғлиқ.



1-расм. Иморатларнинг бузилиш даражаси.

Бузилиш даражасига кўра вайроналар беш турга бўлинади:

1. Енгил бузилиш: бино деворларида кичик ёриқлар пайдо бўлиши, сувоқнинг тўқилиши, ойналарнинг синиши.

2. Кучсиз бузилиш: бино деворларида кичик ёриқлар пайдо бўлиши, сувоқнинг анча йирик бўлаклари тўқилиши, мўри қувурларида ёриқларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг баъзилари бузилиши, томнинг қисман шикастланиши, ойналарнинг тўлиқ синиши.

3. Ўртача бузилиш: деворларда йирик ёриқларнинг пайдо бўлиши, мўриларнинг бузилиши, томнинг қисман тушиши.

4. Кучли бузилиш: ички тўсиқ ва деворларнинг йиқилиши, деворларда тешиқлар пайдо бўлиши, бино қисмларининг бузилиши, бино қисмлари ўртасидаги алоқанинг бузилиши, томнинг йиқилиши.

5. Тўлиқ бузилиш.

Вайроналар умумий ва қисман (худудий) бўлиши мумкин. Турар жой биноларининг бузилишида вайроналар ҳажми 35-50%, саноат биноларида қурилиш ҳажмининг 15-20% ини ташкил қилади. Вайроналар баландлиги турар жой биноларида унинг дастлабки баландлигининг $1/5-1/7$ қисмини, саноат биноларида эса $1/4-1/10$ қисмини ташкил этади. Вайроналарнинг ўртача қийали бурчаги 30 ни ташкил этади. Вайроналарда бўшлиқлар ҳажми 40-60% бўлади.

Вайроналар шартли равишда темирбетон ва ғиштлига бўлинади. Темирбетон вайроналар темирбетон, бетон, металл ва тахтали конструкциялар синиқларидан, ғиштли қўйилмалар, технологик ускуналар элементларидан ташкил топади. Улар йирик қисмлар ва ўзаро боғлиқ элементлар, бўшлиқлар билан ҳарактерланади.

Ғиштли вайроналар ғишт уюмлари, ғишт синиқлари, сувоқ, темирбетон, металл, тахта конструкциялар синиқларидан ташкил топади. Улар катта зичликка эга бўлиб бўшлиқларнинг йўқлиги билан ҳарактерланади.

Вайроналар электр, иссиқлик, газ, сантехник ва бошқа тизимларнинг бузилишига сабаб бўлади. Бу эса ёнғин келиб чиқиши, портлашлар, тошқинлар, электр токидан зарарланиш хавфини туғдиради. Айниқса зарарли моддалар сақланувчи саноат бинолари бузилиши жуда хавфли.

Биноларнинг бузилиши ва вайроналарнинг ҳосил бўлиши одатда инсонларнинг ҳалок бўлиши, яраланиши ва тўсилиб қолишига олиб келади. Вайроналарда жароҳатланганларнинг 40% и енгил, 20% и ўрта оғирликдаги жароҳат ва яна шунча фоизи оғир ва ўта оғир жароҳатланади.

Жабрланганлар вайроналарнинг устки, ўрта ва остки қисмида, ертўлаларда, ерости ҳимоя иншоотларида бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда улар қисман бузилган бинонинг турли қаватларида, тўшиқлар ва томда қолиб кетишлари мумкин.

Деярли барча вайроналарда инсонлар бўлиб, уларнинг бир қисми бирданига вафот этади, бир қисми жароҳатланади. Фавқулодда вазиятнинг биринчи суткасида тез ёрдам бўлмаган ҳолда жабрланувчиларнинг тахминан 40% и вафот этади. Вайроналик ҳосил бўлганидан 3-4 кундан кейин унда тирик қолганлар сувсизлик, совуқ ва жароҳатлардан вафот эта бошайдилар, 7-10 суткалар охирига келиб вайронада деярли тирик инсон қолмайди.

Вайроналар шароитида қидирув-қутқарув ишлари жойни разведка қилишдан бошланади, бунинг учун:

- фавқулодда вазият ҳудудини ва унинг турини белгилаш;
- жабрланувчиларни топиш ва уларнинг ҳолатини аниқлаш;
 - фавқулодда вазият ҳудудидаги объектларнинг ҳолатини баҳолаш (бинолар, коммуникация ва инженерлик тизимлари)
 - ёнғин ўчоқлари, радиоактив, кимёвий, бактериологик зарарловчи, захарловчи ва портловчи моддаларни аниқлаш ва уларнинг инсон учун салбий таъсири олдини олиш ва зарарсизлантириш.
 - яқинлашиш йўллари, техникани ўрнатиш ва жабрланганларни эвакуация қилиш йўлларини аниқлаш.
- вайрона устидан доимий назорат ўрнатиш.

Қидирув қутқарув ишларни ўтказиш технологияси қуйидаги этапларни ўз ичига олади:

1. Шароитни ўрганиш ва анализ қилиш, бузилиш даражасини аниқлаш, бузилиш ҳудудини белгилаш. Бино ва конструкцияларнинг турғунлигини баҳолаш. Қутқарувчиларнинг хавфсиз иш шароитларини ташкил этиш;
2. Вайрона юзидаги жабрланувчиларга биринчи тез ёрдам кўрсатиш;
3. Барча мавжуд қидирув техникаси ва усуллардан фойдаланиб жабрланувчиларнинг изчил қидирувини олиб бориш;

4. Оғир техника ёрдамида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш мақсадида вайроналарни қисман тозалаш;

5. Жабрланганлар қутқарувидан кейин вайронани умумий тозалаш.

Қидирув қутқарув ишларни ташкил этиш.

Қидирув қутқарув ишларни ташкил этишнинг муҳим элементи бўлиб маркировка ҳисобланади. Қуйида маркировканинг асосий белгилари келтирилган:

- бинога кириш имкони мавжуд ва қидирув қутқарув ишларни олиб бориш учун хавфсиз. Шикастлар унчалик катта эмас. Бузилиш давом этиш эҳтимоли кичик;

- бино анча шикастланган, баъзи қисмлари хавфсиз баъзилари эса хавфли;

- бино қидирув қутқарув ишларни олиб бориш учун хавфли;

- квадрат ёнидаги стрелка бинога хавфсиз кириш йўлини кўрсатади;

Вайроналарда жабрланганлар қидируви қуйидаги асосий усуллар билан олиб борилади: кузатиш, гувоҳлар кўрсатмаларига биноан, қидирув итлари ёрдамида, махсус қурилмалар ёрдамида.

Разведка қилиниб хавфсиз иш шароитларини таъминлагандан кейин қутқарувчилар жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун вайроналарни тозалай бошлайдилар. Биринчи навбатда ҚҚИ тирик инсонлар топилган жойларда олиб борилади. Бунда икки асосий услуб қўлланилади: вайронани юқоридан пастки қисмига қараб тозалаб бориш; вайронада ўтиш жойини шакллантириш.

Қидирув қутқарув ишларни олиб боришда энг кўп қуйидаги асбоблар, ускуналар, машина ва механизмлардан фойдаланилади.

Гидравлик асбоблар: кенгайтирувчилар, домкратлар, гидравлик цилиндрлар.

Электрик асбоблар: занжирли ва диски электрарралар,

Оддий асбоблар: лом, белкўрак, кирка, арра.

Машина ва механизмлар: турли юк кўтариш қувватига эга автокранлар, эксковаторлар, булдозер, йўқ машиналар

Вайроналарни устки қисмидан тозалаш ишлари вайрона устки қисмидаги одамларга ёрдам кўрсатиш учун олиб борилади, бунда вайроналар кўлда ва лом, белкўраклардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Йирик ва оғир элементларни кўтариш ва кўчириш учун юк кўтарувчи курилмалардан фойдаланилади (домкрат, кранлар, лебедка). Айти пайтда йирик элементларнинг кескин кўчиши олдини олиш лозим, акс ҳолда жабрланувчиларга қўшимча жароҳатлар етказилиши мумкин. Жабрланувчилар қутқарилгандан кейин уларга ёрдам кўрсатилади ва хавфсиз жойга кўчирилади.

3.2.Авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни олиб боришда хавфсизлик тадбирлари.

Авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган вайрона уюмлари орасида юриш, бузилган бино ва иншоотларга кириш, қулаб тушиши эҳтимоли бор бўлган бинолар яқинида туриш хавфлидир. Зарарланган бино ва иншоотлар олдида фақатгина уларнинг хавфсиз томонидан келиш мумкин. Бино ва иншоотларнинг ички қисмини кўздан кечирганда очиқ ёриткичлардан ва керосинли фонарлардан фойдаланиш хавфли, чунки улар иккиламчи фавқулодда вазият содир бўлишига олиб келиши мумкин.

Ёнаётган, тутун босган ва вайрона уюмлари билан тўсилиб қолган жойларга кираётганда арқонга бойланиб, арқоннинг учини кириш жойида турадиган шеригингизга беринг, бу ҳолат хавфсизлигингизни таъминлайди. Хоналарга кираётганда кириш эшикларини эҳтиёткорлик билан очиш ва аланганинг тўса оладиган ёки қизиган газ аланга олганда муҳофаза қила оладиган матодан фойдаланиш ҳам хавфсизлигингизни таъминлайди.

Ёнаётган хона ичида эмаклаб ёки энгашиб ҳаракат зарурати бўлганда хонадан тез чиқиб кетиш учун яқин жойларда ҳаракатланиш хавфли вазият бўлишининг олдини олади.

Узоқ вақт давом этган ёнғиндан сўнг ертўлаларга газниқоб кийиб ёки яхшилаб шамоллатилгандан сўнг иш жараёнини бошлаш хавfli вазият содир бўлишининг олдини олади.

Вайрона уюмлари орасида ховузлар тайёрлашда уларнинг четларини мустаҳкамлаш керак бўлади. Мустаҳкамлаш учун металл ва ёғоч конструкцияларнинг бўлакларини ишлатиш мумкин. Мустаҳкамланмаган вайрона уюмларидан тушиш ва чиқиш жойларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

Баланд жойларда ишлаш керак бўлган ҳолларда албатта эҳтиёт воситаларидан фойдаланиш керак (кутқарув арқонлари ва белбоғлар). Газлашган объектларда иш олиб бориш жараёнида якка муҳофаза воситаларидан фойдаланиш хавфсизликни таъминлайди.

Зарар кўрган ёки бузилган биноларда иш олиб бораётганда ҳимоясиз қўл билан электр симларини ва электр симларига тегиб турган металл буюмларни ушлаш хавfli ҳисобланади. Шунинг учун ишни бошлашдан олдин электр тармоғини ўчириб қўйилади.

Вайрона уюмлари, шахталарда, кириш жойлари шикастланган бино ва иншоотларда огоҳлантирувчи қизил чироқ ўрнатиб қўйилади.

Ер кўчиши натижасида одамлар вайрона уюмлари остида қолиши, кулаётган нарсалар таъсирида жароҳатланиши мумкин. Шунинг учун жабрланганларга иложи борица тез ёрдам бериш керак.

3.3. Жабрланувчини вайронадан қутқариш.

Кўп ҳолларда жабрланувчилар вайроналарнинг пастки қисмида қолиб кетадилар. Уларни қутқариш учун қутқарувчилар энг яқин масофа ва энг қулай жойларни ҳисобга олган ҳолда торроқ ўтиш жойлари очадилар. Ўтиш жойлари горизонтал, қия ва вертикал йўналишда очилиши мумкин. Ўтиш жойининг оптимал кенглиги – 0,8-0,9 м, баландлиги - 0,9-1,0 м. Ўтиш жойларини очиш ишларини бир неча гуруҳ (3-4 кишидан) олиб боради, қўлда ёки асбоблар ёрдамида. Уларнинг вазифаларига вайронани тозалаш, ўтиш

жойини очиш, жабрланганларни озод қилиш ва уларни кўчириш киради. Ўтиш жойларини очишда қутқарувчилар тўртоёқлаб, қорнида ётган ҳолда ва орқасига ётган ҳолда ҳаракатланадилар. Агар қутқарувчилар ҳаракатига йирик темирбетон, металл, тахта ва ғишт синиқлари ҳалақит қилса, уларни айланиб ўтиш, бунинг имкони бўлмаса тўсиқни бузиш, кўп ҳолларда тешик тешиш мумкин (1-расм).



2-расм. Жабрланувчини вайронадан қутқариш.

Ўтиш жойларини очишда катта аҳамият унинг деворлари қулаб кетиши олдини олиш мақсадида мустаҳкамлашга қаратилади. Бунинг учун олдиндан тайёрлаб қўйилган махсус материаллардан фойдаланилади – тўсиқ, тахта, устунчалар, шитлар.

Ўтиш жойларини очиш вақтида вайрона устида қутқарувчилар ва техниканинг ҳаракатланишига йўл қўйилмайди.

Ўтиш жойлари очиш ишлари тугатилгандан кейин ва бақувватлаштирилгандан кейин қутқарувчилар жабрланганларни қутқаришга киришадилар. Биринчи навбатда жабрланувчининг ҳолати ва жароҳатланиш даражаси аниқланади. Тананинг қисилиб қолган ва босилиб қолган қисмлари озод қилинади, бир вақтнинг ўзида жгут ва боғичлар боғланади, оғиз ва

бурун бўшлиғи тозаланади, жабрланувчи устидаги синиқлар олиб ташланади. Жабрланувчининг ҳолатидан келиб чиқиб уни кўчириш усули танланади.

Жабрланувчилар вайроналарнинг пастки қисмида қолиб кетганда қидирув қутқарув ишларини олиб бориш.

Жабрланувчини вайронадан қутқаришни камида икки қутқарувчи амалга ошириши зарур. Имкони борича жабрланувчини кўлидан ёки юқори елка қисмидан тортиб чиқарилади.

Агар жабрланувчи йирик ва оғир элемент остида қолиб кетган бўлса, уни домкратлар, юк кўтариш техникаси ёрдамида озод қилинади. Жабрланувчи ерга тақалиб турган бўлса унинг остини қазиш орқали қутқариш мумкин.

Вайроналарда қолиб кетган инсонлар асосан мия чайқалиши, кўл-оёқ синиши каби жароҳатлар оладилар. Баъзи ҳолларда узоқ вақт давомида мушаклар ва ички органларнинг эзилиши - узоқ вақт эзилиш синдроми учрайди.

Жароҳатларнинг бу тури тананинг қисилиб қолган қисмида қон айланиши ва модда алмашинувининг тўхтаб қолиши билан ҳарактерланади. Бу эса тананинг шу қисмида захарли моддалар ҳосил бўлиши ва тўқималар бузилишига олиб келади. Қисилиб қолган тана қисми ҳалос қилиниб, қон айланиши тиклангандан сўнг организмга кўплаб захарли моддалар (токсинлар) келиб тушади. Бу қисилиб қолган жой майдони ва давомийлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Токсинлар танага тарқалиши билан бирга зарарланган тана қисмларига катта ҳажмда қон плазмаси қуйилиб келади (баъзида 3-4 л). Тана қисмлари шишади, мушаклар шакли бузилади, шишган жойлар катта зичликка эга бўлади, бу эса оғриқни ҳосил қилади. Юқорида айтиб ўтилган токсинлар ва плазманинг қуйилиши организмнинг барча тизимларини ишдан чиқариб, жабрланувчининг қутқарилганидан кейин биринчи дақиқаларда вафоти сабаби бўлиши мумкин.

Зарарланган мушакларда токсинларнинг ҳосил бўлиши билан бирга миоглобин молекулалари ҳам ҳосил бўлади. Улар қон билан буйракка ўтиб,

унинг каналчаларини ишдан чиқаради, бу эса буйрак ишдан чиқиши сабабли инсон ўлимига олиб келиши мумкин.

Жабрланувчининг ҳаётини сақлаб қолиш учун уни босилиб қолган тана қисмини озод қилишдан олдин унинг қонига плазмали эритмалар қуйилиши, кўп миқдорда илқ ичимлик ичириш, тананинг зарарланган қисмларига совуқ нарса бостириш лозим. Озод қилиниши билан тананинг эзилган қисмини таранг қилиб бинт билан ўраш лозим, бу шишиш ва плазма қуйилиши олдини олади. Суяклар синган-синмаганидан қатъий назар шиналар қўйилади, совуқ нарса босилади, оғриқни босувчи дорилар берилади ва зудлик билан "суний буйрак" аппарати мавжуд касалхонага олиб борилади.

Қутқарувчи учун эзилиш бошланган вақтни билиш жуда муҳим, чунки, дастлабки икки соат ичида бу жароҳатни даволаш мумкин ва инсон учун хатарсиз. Шу вақт ичида қутқарувчилар иложи борица кўпроқ одамларни озод қилишлари зарур.

Узоқ вақт эзилиш синдромида ёрдам кўрсатишнинг қулай методикаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Бахциз ҳодиса юз берганда дастлабки икки соат мобайнида барча кучлар ва воситаларни жабрланувчиларни босилиб қолишдан озод қилишга сафарбар қилиш, бу токсикоз бошланиши ҳолларини минимумга етказди;

2. Икки соат ўтиши билан жабрланувчиларни икки гуруҳга (енгил ва оғир жароҳатланганлар) бўлиш лозим. Жароҳат характери эзилган тўқималар массаси ва жабрланувчининг умумий ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади.

Енгил жароҳатланган жабрланувчиларни тезлик билан озод қилиш ва даволаш масканига йўналтириш лозим.

Оғир жароҳатланган жабрланувчиларни шундай озод қилиш керакки, уларни транспортировка қилиш пайтида зарарланган тўқималарда қон айланиши тикланмаслиги лозим;

3. Оғир жароҳатланганлар реанимацион терапия ва жарроҳликка муҳтож бўладилар. Шунинг учун улар стационар даволаш масканларига йўналтирилмоғи лозим.

Агар жабрланувчини транспортировка қилишнинг имкони бўлмаса, шу жойда жгутни ечмасдан туриб жабрланувчи розилиги билан тана қисмини ампутация қилиш лозим.

Ушбу методика токсикоз ривожланиши олдини олиш ва иложи борида кўпчиликнинг ҳаётини сақлаб қолиш имконини беради.

Фавқулодда вазият ҳудудида қисман бузилган бино ва иншоотлар қолади. Улар тўсатдан кулаб кетиши мумкинлиги билан хатар туғдиради. Бундай бино иншоотлар кулаб кетмаслиги учун мустаҳкамланиши ёки кулатилиши лозим. Кулатиш асосан уч усул билан амалга оширилади:

- шар-болға ёрдамида;
- тортиш мосламаси (лебедка, трактор, машина) ёрдамида;
- портлатиш орқали кулатиш.

Портлатиш ишларини махсус тайёргарликка эга қутқарувчилар олиб боришлари лозим. Ушбу ишлар олиб бориладиган ҳудуд чегараланган бўлиши керак.

Кўп бино ва иншоотлар ертўла, қутқарув хоналарига эга бўлиб, у ерда одамлар қолиб кетиши мумкин. Ҳосил бўлган вайроналар одатда чиқиш йўлларини тўсиб қўйиб, ҳаво алмашилишига тўсқинлик қилади, одамларнинг мустақил равишда чиқишларига тўсиқ бўлади.

Қутқарувчиларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- босилиб қолган ертўла ва хоналарни қидириш;
- ертўла ва хонадаги шароитни аниқлаш (неча киши борлиги, уларнинг ҳолати, хонанинг шикастланганлик даражаси, сув ва егуликнинг бор йўқлиги)
- хона ва ертўлада ҳаво алмашинувини таъминлаш, хонага сув, озуқа, дори-дармонлар ва ҳимоя воситаларини етказиб бериш;
- тозалаш, хона ва ертўлаларни очиш, жабрланувчиларни эвакуация қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш.

4. Босилиб қолган ертўла ва хоналарда қидирув қутқарув ишларни олиб бориш.

Босилиб қолган хона ва ертўлалар қидируви шаҳар ва кўча планлари, ташқи кўриниши, товуш сигналларига қараб, итлар ёрдамида олиб борилади.

Хона ва ертўлалар топилгандан кейин жабрланувчилар билан алоқа ўрнатилади (овоз, тақиллатиш, радио алоқа ёки телефон орқали). Бир вақтнинг ўзида қутқарувчилар тозалаш ва хонани очишга киришадилар. Биринчи навбатда лйўқлар, эшиклар, ҳаво айланиш қувурлари жойлашган жойлар тозаланади. Агар бундай имконият бўлмаса қутқарувчилар хона деворини тешадилар. Бундай ишлар бетон бузиш асбоблари (болға, перфоратор, лом, кувалда, белкўрак) ёрдамида амалга оширилади. Девордаги тешилган тешиклар хонада ҳаво айланиши, сув, озуқа ва дори-дармонлар етказиб беришга хизмат қилади. Уларни кенгайтиргандан сўнг одамларни эвакуация қилиш учун фойдаланилади.

3.4. Баланд биноларда қутқарувчиларнинг ҳаракати.

Вайроналарда қидирув қутқарув ишларни олиб боришда жуда кўп ҳолларда машина ва механизмлар ишлатилади. Улар ёрдамида ўтиш жойлари ва йўллар тозаланади, конструкцияларнинг оғир элементлари кўчирилади ва кулатилади, қутқарувчилар ва жабрланувчилар ташилади.

Ер устидаги қисман шикастланган иншоотларда инсонларни қутқариш ишлари юқоридан кузатиш ва ташқи капитал деворларнинг шикастланганлик даражасини аниқлаш, осма конструкциялар ҳолатини баҳолашдан бошланади. Ички хоналар, инсонлар жойлашган жойлар ва уларни эвакуация қилиш йўллари аниқланади. Зарур бўлганда иншоот балкалари, фермалари хатчалар қўйиш, устунлар ўрнатиш орқали мустаҳкамланади. Қутқарувчиларни баландликка кўтаришнинг асосий воситаси бўлиб нарвонлар хизмат қилади. Нарвонлардан фойдаланганда:

- уни мустаҳкам жойлаштириш;
- нарвоннинг поғоналарига оёқнинг олди ёки ўрта қисми билан чиқиш;
- поғона ёки нарвоннинг ён қисмларини қўл билан маҳкам ушлаш;
- ўз танасини нарвонга яқинроқ тутиш;

- аста-секин, нарвонни силтамасдан ҳаракатланиш лозим.

Қутқарувчилар нарвонларда ҳаракатланганда бир томонлама ва диагонал усуллардан фойдаланиб ҳаракатланадилар. Бир томонлама ҳаракатланиш усулида кейинги поғонага бир вақтда чап қўл ва чап оёқ ёки ўнг қўл ва ўнг оёқ кўтарилади. Диагонал усулда - бир вақтда ўнг оёқ ва чап қўл ёки чап оёқ ва ўнг қўл кейинги поғонага кўтарилади.

Мустаҳкам ўрнатилган ва сирғалиб кетиш олдини олиш воситалари ўрнатилган нарвонлардан фойдаланиб юқорига кўтарилиш лозим. Хатарсиз ўрнатиш бурчаги – 75^0 . Нарвондан одатда бир киши кўтарилади ёки тушилади.

Қутқарувчининг нарвондан ойнага (ўтиш жойига) ўтиши куйидагича амалга оширилади. Ойна (ўтиш жойи) баландлигига кўтарилгач бир қўл билан нарвонни ушлаш, оёқ билан токчага чиқиб, бир вақтнинг ўзида иккинчи қўл билан деврни ушлаб, оёқни нарвондан олинадиган ва пол устига тушилади.

Агар ойна ёпиқ ёки панжараланган бўлса, қутқарувчи ойна баландлигида нарвонда мустаҳкам жойлашиб аввал ойнани очиши ва кейин бинога кириши лозим.

Ойна ёки томдан нарвонга ўтиш учун қутқарувчи нарвоннинг устки қисмига яқин келиб, бир қўли билан устки поғонани ташқи томонидан ушлаши, ўзини нарвонга яқин тутиши, нарвонга ёзланган ҳолда 180 га бурилиши, бир оёғини поғонага қўйиб, иккинчи қўли билан поғонани ушлаб туриши ва иккинчи оёғини поғонага қўйиши лозим.

Қутқарувчиларни баландликка кўтаришда махсус нарвонлардан фойдаланилади. Уларда 13 та поғона бўлиб, учида махсус тишли илгаги бўлиб ойна ва ўтиш жойлари токчасига илинади (қотирилади). Бу нарвонни иккинчи қават ойнасига илиш учун уни юқори кўтариб ойна токчасининг ўнг қисмига илинади. Илингандан кейин Қутқарувчи нарвондан кўтарилади. Токчага чиқиш вақтида ўнг оёқ нарвоннинг тўққизинчи (ўнинчи) поғонасида, қўллар эса ўн учинчи поғонада бўлиши лозим. Қўллар билан нарвонни

ушлаган ҳолда чап оёқни токчадан ошириб, токчага ўтириб олиш лозим ва ўнг оёқни тўғрилаб бинога кириб олиш керак.

Учинчи ва ундан юқори қаватларга чиқишда токчага ўтирган ҳолда нарвоннинг ўн иккинчи поғонасидан ўнг қўл билан ушлаб, чап қўл билан илгагидан ёки ўн учинчи поғонасидан ушлаб, кескин силтаб нарвонни кўтариб иллагини ўзига қаратилади. Нарвонни ёнидан ушлаб, унинг иллагини токчадан 15-20 см юқorigа чиққунча кўтарилади. Илгагини ойнага қаратиб олиниб, токчага илинади.

Токчадан нарвонга ўтиш:

- ўнг оёқ биринчи поғонага қўйилади;
- чап қўл билан тўртинчи (бешинчи) поғона ички томонидан ушланади;
- ўнг қўл билан бешинчи (олтинчи) поғонанинг ташқи томонидан ушланаб ўнг оёқ тўғрилангунча кўтарилади, чап оёқ нарвон ёни - токчага қўйилади;

- чап оёқ билан токчадан итарилиб, қўллар билан тортилиб, ўнг оёқ билан учинчи (тўртинчи) поғонага чиқилади ва чиқишда давом етилади.

Керакли қаватга етганда, қутқарувчи токчага ўтириб, чап оёқни полга қўйиб, чап қўл билан илгакдан тутиб, ўнг оёқ ойнадан ўтказилади.

Бундай нарвондан пастга тушиш қуйидагича амалга оширилади:

- ўнг оёқни токчадан ошириб;
- токчага ўтириб олиб;
- қўллар билан юқори поғонадан ушлаб;
- ўнг оёқ тўққизинчи (ўнинчи) поғонага қўйилади;
- танани тиклаб, чап оёқни ўнинчи (тўққизинчи) поғонага чап оёқ қўйилади;
- қуйи қаватгача тушилади;
- чап оёқни токчадан ошириб, токчага ўтириб олинади;
- ўнг қўл билан учинчи поғона чап томонидан ушлаб, чап қўл билан ўша поғона ўнг томонидан ушлаб;

- нарвон кўтарилади, илгаги ўзига қаратилади ва илгаги бош устига етгунча нарвон пастга туширилади, нарвон илгаги токчага илинади.

Томда қолиб кетган одамларни қутқариш учун қутқарувчилар куйидагилардан фойдаланиб улар олдига кўтариладилар:

1. Нарвонлар (илгакли, осма, арқонли).
2. Арқонли тизимлар.
3. Махсус кўтаргичлар.
4. Бинонинг омон қолган зиналари.
5. Жабрланганларни вайронадан эвакуация қилиш.

Баъзи ҳолларда эса томдаги одамларни қутқариш учун вертолётлардан фойдаланилади.

3.5. Аҳолини, моддий ва маданий бойликларни хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиш.

Табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда аҳолини, моддий ва маънавий бойликларни муҳофаза қилишнинг ишончли услубини эвакуация (кўчириш) ташкил этади.

Эвакуация деганда – аҳолини, моддий ва маданий бойликларни олдиндан тартибли равишда хавфли ҳудудлардан хавфсиз ҳудудга кўчиришнинг комплекс тадбирлари тушунилади (асосан, ишламайдиган фуқаролар, нафақахўрлар, болалар ва касаллар эвакуация қилинади). эвакуация қилинадиган ҳудудлар аҳолининг хавфсиз яшаши учун бир мунча узоқда жойлашиши, ҳамда яшаши учун барча шарт-шароитлар мавжуд бўлиши талаб этилади.

Эвакуация омилини 2 тури мавжуд:

1. Хавфсиз ҳудудга вақтинчалик узоқлаштириш.
2. Хавфсиз ҳудудга буткул кўчириш.

Хавфсиз ҳудудга вақтинчалик узоқлаштириш омили асосан иш билан машғул бўлган ишчи-хизматчиларга қўлланилади. Кўчиришнинг бу услубида ишчи хизматчилар (шу жумладан, маиший хизмат кўрсатиш ходимлари ҳам)

хавфли худуддаги асосий ишларини бажарганларидан сўнг, хавфсиз худудга олиб борилади ва кейинги иш вақтларига қадар шу йерда сақланадилар. Кейинги кунлардаги асосий ишларини бажаришлари учун ҳамма эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда яна иш жойларига қайтадилар. Ишчи хизматчиларнинг бундай иш жараёни хавфли худуддаги шароит хавфсиз ҳолатга келгунга қадар давом эттирилади. Бунда хавфсиз худуд хавфли худуддан тахминан 2 соатли масофада жойлашиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ишчи хизматчиларни ташишга хавфсиз худуд транспорт воситаларига қулай бўлган йўл ёқасида жойлашиши мақбул ҳисобланади, қолган тоифадаги фуқаролар (нафақахўрлар, касалмандлар, қариялар, ёш болали оналар, ўқувчи ёшлар) маълум вақтга қадар хавфсиз худудга буткул эвакуация қилинадилар. Буткул эвакуацияда хавфсиз худуд анча узоқ масофада жойлашиши мумкин (схемага қаранг).

Ишчи хизматчиларни ва уларнинг оилаларини узоқлаштириш услуби ишлаб чиқариш принципи бўйича, корхона ёки ташкилотнинг фуқаро муҳофазаси бошлиғи ҳамда эвакуация комиссияси томонидан амалга оширилади. эвакуацияни ташкил этиш, уни амалга ошириш ва хавфсиз худудларга жойлаштириш фуқаро муҳофазаси бўшлиқларига юклатилган. Жумладан :

- Ўзбекистон Республикаси худудларида маҳаллий бошқарув органлари раҳбарлари:

- Иқтисодий объектлари ва тармоқларида - уларнинг раҳбарлари.

Евакуацияда қуйидаги тузилмалар фаолият олиб боради:

- Республика, вилоят, шаҳар, туман, аҳоли пунктлари ва объект миқёсидаги эвакуация комиссиялари;

- Шаҳар ва объект миқёсидаги йиғма эвакуация пунктлари;

- Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг эвакуация комиссиялари;

- Оралиқ эвакуация пунктлари;

- Кўчирилган аҳолини қабул қилувчи эвакуация пунктлари;

- Аҳолини транспортларга чиқариш ва тушириш бошқарув пунктлари;
- эвакуация йўллари нозорат қилиш ва бошқариш гуруҳи ва бошқалар.

Эвакуация тадбирлари фавқулодда вазиятлар комиссияси бошлиғи ёки ҳудудий-бошқарув фуқаро муҳофазаси бошлиғи томонидан эълон қилинади. Оғохлантиришда турли алоқа воситалари: радио, телевидения, телефон, чопарлар ва бошқа белгилар орқали аҳоли эвакуация хусусида оғох этилади .

Эвакуация тўғрисида оғохлантиришни эшитган ҳар бир фуқаро ўзи яшайдиган уйлари нозорат ҳолатида қолдириши (газ, сув, электр манбаиларини ўчиришлари , эшик, ойналарни маҳкам бекитишлари) ва ўзлари билан ҳужжатлари (паспорт, ҳарбий гувоҳнома ва бошқалар), пуллари ва 2-3 кунга етадиган егулик овқат, ичимлик суви ҳамда бир сидра кийим кечакларни олиб эвакуация пунктларига (ЕП) тезда етиб келишлари зарур.

Эвакуация пунктлари (ЕП) олдиндан ташкил этилиб, улар жамоат йиғиладиган жойлар: мактаблар, боғчалар, таълим масканлари, клублар, спорт майдончалари ва бошқа иншоотлар бўлиши мумкин .

Эвакуация пунктига келган фуқаролар, дарҳол рўйхатдан ўтиб (исми, шарифи, турар жойи, касби ва қайси ҳудудга кўчирилиши) улар имкон борича транспорт воситаларида белгиланган жойга ҳаракатланишига рухсат этилади. Транспорт воситаларига: темир йўл , жамоат транспортлари ва шахсий транспорт воситалари киради. Транспорт воситалари орқали асосан касалмандлар, қариялар, ногиронлар, ёш болалар аёллар, ҳамда ишчи хизматчилар ва ёш болалар кўчирилади. Қолган тоифадаги аҳоли пиёда юриш орқали кўчирилади. Пиёда юрадиганлар олдиндан белгиланган ҳаракатланиш йўллари орқали, колоннада (500-1000 киши) ҳаракат қилади. Бунда албатта эвакуация пунктига келган одамларни кўп йиғмаслик мақсадида 50-100 киши йиғилиши билан битта бошлиқ тайинланиб ҳавсиз ҳудуд томон юришга рухсат этилади. Колоннада ҳаракатланишда ҳар бир гуруҳ бошлиқлари ўз гуруҳларидаги одамларнинг сонини, бегона одамларнинг бўлмаслигини ва орқада қолаётганларни доимо нозорат қилиб

боради. Колоннанинг ҳаракатланиш тезлиги тахминан 4-5 км/соат бўлиши ва колонналар орасидаги масофа 500 метрни ташкил этиши керак. Колонна биринчи 1-1,5 соат ҳаракатланишидан кейин 10-15 минут дам олишга рухсат этилади. Бунда одамларга тиббий ёрдам олиш имконияти берилади. Иккинчи ва ундан кейинги юришлардан кейин эвакуация қилинувчиларга кўпроқ дам олиш вақти (1-2 соат) берилади. Бу вақтда одамлар иссиқ овқат билан таъминланадилар ва дам оладилар. Мана шундай тартибда аҳоли кўрсатилган ҳавфсиз ҳудудга йетиб боради. эвакуация давомида аҳолининг кўрқувга тушиши ёки безовталаниши энг ҳавфли кўрсаткичлардан ҳисобланиб, улар кўйидаги омиллар таъсирида бўлиши мумкин:

- Эвакуация йўллариинг камлиги;
- Эвакуация даврида юзага келадиган ҳавфларни йўқотиб бўлмаслиги;
- Эвакуация йўллариинг яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги;
- Катта миқёсида эвакуация қилинаётган аҳолининг берк йўлга кириб қолиши ва бошқалар.

Эвакуация давомида аҳолининг безовталанишини йўқотиш учун кўйидаги омилларни бажариш зарур ҳисобланади:

- Эвакуация йўлларидаги тўсиқларни йўқотиш ;
- Эвакуация йўллариинг ёритилганилигини ошириш ;
- Эвакуация қилинаётганлар билан алоқани доимий ушлаб туриш ;
- Эвакуация даврида огоҳлантирувчи тизимлар ишини шай ҳолатда ушлаб туриш;
- Тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг шайлигини таъминлаш.

Эвакуация қилинганларни ҳавфсиз ҳудуднинг қабул қилувчи эвакуация комиссияси кутиб олади. Бу комиссияга ҳавфсиз ҳудуднинг ҳокимият, корхона, ташкилот раҳбарлари ҳамда умумий овқатланиш ва тиббий хизмат кўрсатиш раҳбарлари киради. Улар одамларни қабул қилиб, ҳисоботни олади ва ҳар бир фуқарони тиббий кўрикдан ўтказилади. Тиббий кўрикдан ўтказилган фуқаролар олдиндан тайёрлаб қўйилган мактабларга, бўғчалар,

клубларга, кинотеатрларга, ва шунга ўхшаш объектларга тақсимланадилар. эвакуация қилинганлар тастлабқи икки кун давомида ўзлари билан олиб келган озиқ-овқатлар билан овқатланадилар ва кейинги кунлардан бошлаб хавфсиз ҳудудда тайёрланган иссиқ овқат билан таъминланадилар. эвакуация қилинган аҳоли хавфсиз ҳудуддаги кишлоқ хўжалик тармоқларида, жумладан фермер хўжалигида ишлашга жалб қилинади.

Юқоридаги мисоллардан кўринадикки, аҳолини ва моддий бойликларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда ҳимояланишнинг бошқа услублари яхши натижа бермагандагина эвакуация омили қўлланилади.

3.6. Одамларнинг хавфсиз эвакуациясини таъминлайдиган асосий шарт – шароитлар.

Одамларнинг хавфсизлигини таъминлашдаги асосий кўсаткичдан бири талаб этиладиган вақт ҳисобланади. Бу кўрсаткич (вақт), одамларнинг ҳаётига арзимасдан хавфсиз жойга олиб чиқиш ҳисобланади. Бинолардан оддамларни эвакуация қилишда таъсир этувчи хавфли омиллар:

- ёнғин натижасида бўлиниб чиқадиган юқори ҳарорат;
 - ёнғин натижасида бўлиниб чиқадиган зарарли (тутун, токсик) моддаларнинг таъсири ва одамларнинг кўриш қобилиятини пасайиши;
 - тутунларнинг эвакуация йўл ва йўлакларига тарқалиши;
 - одаиларда ваҳима (Паника) ҳосил бўлиши;
 - эвакуация йўл ва йўлакларининг ҳар хил ёндашув материал билан тўсилиши;
 - одамларни эвакуация ва ёнғинни ўчиришга ўз таъсирини кўрсатади.

Зилзиладан сўнг содир бўлган вақтда бўлиниб чиқадиган газ, буғ ва тутунлар одамларнинг организмига ва уларнинг эвакуациясига ўз таъсирини кўрсатади.

Эвакуация жараёни эвакуация йўллари ва эвакуация чиқиш жойлари орқали амалга оширилади.

3.7. Эвакуация йўлларига меъёрий ҳужжатлар томонидан қўйиладиган талаблар

ҚМҚ 2.08.02-96 ва ЁХҚ томонидан эвакуацич йўллари, уларнинг узунлиги, кенглиги, ҳар бир нуқтадан энг яқин эвакуация чиқиш йўлигича бўлган энг узоқ масофага тйўиладиган талаблар белгиланган.

Бино ичидаги эвакуация йўлларида қўлланиладиган барча хавфсизлик тадбирлари, химоялаш воситаларидан қатъий назар, одаилар мазкур бинодан беҳатар чиқиб кетишларини таъминлаши керак.

Эвакуация йўллари деб қуйидаги йўллар аталади;

а) биринчи қаватдан ташқарига;

* бевосита олиб чиқадиган;

* кордор орқали;

* даҳлиз (вестибюль, фойе) орқали

* зинапоя катаги орқали;

б) биринчи қаватдан бошқа ҳар қандай қаватларда;

* бевосита зина катаги ёки 3-турдаги қават зинапоясига олиб чиқадиган;

* бевосита зина катаги ёки 3-турдаги қават зинапоясига олиб чиқадиган кордорга чиқиш йўли;

* бевосита зина катаги ёки 3-турдаги қават зинапоясига олиб чиқадиган даҳлизга чиқиш йўли;

в) а ва б бандларда кўрсатилган чиқиш йўллари билан таъминланган А ва Б тоифалардаги қўшни хоналарга олиб чиқадиган йўл (Ф5 тоифасидаги хоналардан ташқари). А ва Б тоифалардаги хоналарга мазкур хоналарга хизмат кўрсатишдан олдин борадиган йўлларни эвакуация йўли деб ҳисоблаш мумкин.

Эвакуация йўлларининг уфқий ҳуддудлари баландлиги 2 м дан кам бўлмаслиги лозим эвакуация йўллари уфқий ҳуддудлари ва қия йўлақлар (пандуслар) эни кам бўлмаслиги лозим:

- 1,2 м – болалар мактабгача таълим муассасалари, қария ва ногиронлар уйлари, касалхоналари, мактаб-интернатлар ётоқхона бинолари ва болалар муассасалари умумий йўлаклари учун, улар бўйича 15 ортиқ киши эвакуация қилинса, бошқа хоналар учун 50 дан ортиқ киши;
- 0,7 м – бир кишилиқ иш жойларига ўтиш;
- 1,0 м – бошқа барча ҳолларда.

Ҳар қандай ҳолда ҳам эвакуация йўллари шундай энига эга бўлиши керакки, уни ҳоссаи ҳисобига олинган ҳолда ундан замбилда ётган одамни тўсиқсиз олиб ўтиш мумкин бўлади.

Эвакуация йўлида полда 45 см дан кам сатҳлар фарқи ва бўтриқлар бўлишига йўл қўймайди, эшик остонаси бундан мустасно. Сатҳлар фарқланиш жойларида 3 тадан кам бўлмаган поғонали зина ёки нисбий 1:6 дан ошмайдиган қия йўлак (пандус) назарда тутилиши лозим.

Зиналар баландлиги 2,5 м дан ошса, тутқичли тўсиқ бўлиши лозим.

Эвакуация йўлларида айланма зиналар ва пиллапоялар, шунингдек, зинапояси турли кенгликдаги ва поғоналари баландлиги марш чегарасида ва зина катта турлича бўлган зиналар ўрнатилишига йўл қўйилмайди.

Одамларни эвакуация қилишга мўлжалланган, жумладан, зина катагида жойлашган зиналар марши эни ундаги исталган эвакуация чиқиш жойи (эшиги) энидан кам бўлмаслиги лозим.

4-БОБ. ЖАБРЛАНГАНЛАРГА БИРИНЧИ ЁРДАМ КУРСАТИШ.

4.1. Шикастланганларда шошилиш тез тиббий ёрдам.

Жабирланишлар таснифи: қон кетиш.

Фавқулодда ҳолатларда шикастланган фуқароларга кўрсатиладиган биринчи тиббий ёрдамнинг асосий вазифаси тезкор чоралар кўриш билан уларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, азоб-уқубатларини имконият даражасида камайитириш, рўй бериши мумкин бўлган турли асоратларнинг олдини олиш ёки касалликнинг кечишини енгаллаштиришдан иборатдир.

Биринчи тиббий ёрдам шикастланиш ҳодисаси содир бўлган жойда шикастланганларнинг ўз-ўзлари ва бир-бирларига ўзаро ёрдамлари ҳамда санитар дружиначилар томонидан кўрсатилиши мумкин. Биринчи тиббий ёрдам тур-кумига қуйидаги чора-тадбирлар киради: қон кетишини вақтинча тўхтатиш; баданнинг жароҳатланган ёхуд куйган жойига тоза стерил боғлам қўйиш; сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш; турли захри қотилларга қарши эмдори, антидот (зиддизаҳар)лар юбориш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган тинчлантирадиган дорилар юбориш (айниқса, шок вақтида); ёниб турган кийимни ўчириш, шикастланган одамни транспорт воситасида бир жойдан иккинчи жойга кўчириш учун шикастланган жойини қимирламайдиган қилиб боғлаш (транспорт иммобилизацияси), одамни иссиқ ва совуқ ҳарорат таъсиридан асраш, унинг музлаб қолган баданини иситиш; турли заҳарловчи моддалар билан шикастланганларга газниқоб кийдириш, уларни хавфсиз жойларга олиб чиқиш, шунингдек, қисман санитария ишловларини зудлик билан ўтказиш ва ҳ.к.

Биринчи тиббий ёрдамни мумкин қадар тез ва қисқа фурсатларда кўрсатиш касаллик ва шикастланишларнинг кейинчалик қандай ўтиши, оқибати нима билан тугаши, баъзан аса, шикастланганларнинг ҳаётини асраб қолиш учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Кўп миқдорда қон кетаётган, электр токидан шикастланган сувга чўккан пайтда юрак фаолияти тўхтаб, нафаси чиқмай қолган ва яна бошқа шундан оғир ҳолларда албатта, биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиши зарур. Башарти, кўплаб одамлар бир йўла биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга мухтож бўлишса, бундай ёрдамнинг муддатлари ҳамда навбати белгиланади. Айтиқса, болаларга ва шу фурсатда кечиктириб бўлмас тез тиббий ёрдам кўрсатилмаса ҳаётдан кўз юмиш эҳтимоли бор бўлган шикастланганларга биринчи навбатда тиббий ёрдам кўрсатилади.

Айни пайтда бир йўла ҳар хил турдаги шикастланишларга дучор бўлган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун айрим усуллар тартибини

хам белгилаб олиш лозим. Бунда аввал шикастланган одамнинг ҳаётини сақлаб қолишга имкон берадиган энг зарур амалларга асосий эътибор берилади. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон оқиб турган вақтда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга тоза, стерил боғлам қўйиш ва шуидан сўнг оёқни кимирамайдиган қилиб боғлаш (иммобилизация қилиш)га киришилади. Синган суякнинг ўз жойидан силжимаслиги учун махсус шина тахтакач ёки ўша шароитда кўзга ташланиб, қўлга ияинган яна бошқа барча имкониятлар, табиий, қайирий ёрдамчи воситалардан фойдаланиш лозим.

Биринчи тиббий ёрдамнинг барча усул амалларини имкони борида ниҳоятда эҳтиёткорлик билан тез бажармоқ зарур. Шошмашошарлик ва кўпол хатти-ҳаракатлар билан амалга оширилган ёрдам шикастланган одамга салбий таъсир кўрсатиши, унинг-аҳволини оғирлаштириши мумкин. Биринчи тиббий ёрдамни бир эмас, бир неча киши кўрсатадиган бўлса, улар бу вазифани ўзаро келишиб, ҳамжиҳатлик билан амалга оширишгани маъқул. Бунинг учун бири раҳбарлик масъулиятини зиммасига олиши лозим.

Юқорида айтганимиздек, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнида асосан, мазкур шароитда кўз олдимизда ва қўл остимизда бўлган мавжуд воситалардан кенг ва унумли фойдаланилади. Бундай воситалар туркумига: боғловчи материаллар - бинтлар, тиббий боғлов пакет - халтачалари, катта ва уларнинг кичик ҳажмдаги тоза, стерил боғламли салфеткалар, пахта ва бошқа ашёлар киради. Қон кетишини тўхтатиш учун чўзилувчан тасмасимон ва найсимон жгутлар, иммобилизация қилиш учун эса, махсус тахтачалар, фашрли, шотисимон, тўрсимон ва бошқа турдаги шиналар ишлатилади. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда баъзи дори-дармонлардан ҳам фойдаланилади. Чунончи, найсимон ампула ва шиша вдишларга солинган спиртдаги 5% ли йод эритмаси, спиртдаги 1 - 2%ли бриллиант яшили эритмаси, валидол таблеткалари, валериана томчи дориси, шиша найчалардаги новшадил спирти, шуингдек, тугмачасимон шаклдаги ёхуд кукун ҳолидаги натрий гидрокарбонат (ичимлик содаси), вазелин ва

бошқалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, оммавий зарарланиш ўчоқларида радиофаол заҳарловчи моддалар ҳамда бактериал воситалар таъсиридан сақланиш, улардан муҳофаза қилиш мақсадида шахсий дорилар мажмуи жамланган шахсий индивидуал аптечка (АИ-2) имкониятларидан ҳам фойдаланиш зарур.

Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун фавқулодда ҳодиса содир бўлган жойда кўзга ташланган ва қўл остида бўлган воситалар туркумига боғлам қўйиш учун тоза чойшаб, қўйлак, газлама (иложи бўлса оқ тусдаги); қон тўхтатиш учун эса, тасма, боғич, жгут ўрнига шим камари ёки белбоғ, газлама парчаси; суяк синганда: шиналар ўрнида каттиқ қоғоз ёхуд фашр бўлаклари, тахта, таёқ ва бошқалар киради.

Томирлардан қон кетиши (оқиши) нинг турлари.

Қон кетиши (оқиши) жароҳатларнинг бевосита ҳаётга хавф солувчи энг хатарли асоратларидан биридир. Шикастланган томирларнинг турига қараб, артерия, вена, майда қон томирлари капиллярлардан қон кетиши мумкин. Артериялардан қон кетиши ўта хавфлидир. Чунки, бунда қисқа вақт ичида организмдан кўп қон оқиб чиқади. Артериялардан қон кетиши, чиқаётган қоннинг аввал қизил, қирмизи рангда бўлиши, унинг худди фавворадай катта куч ва зарб билан ташқарига отилиши билан белгиланади. Веналардан қон кетганда артериядан фарқли ўлароқ, ранги бирмунча туюқ бўлиб, қон секинлик билан узлуксиз оқиб туради. Капиллярлардан қон кетиши тери, тери ости тўқимаси ва мушаклардаги майда-майда томирларнинг зарарланганида учрайди. Капиллярлардан аста-секинлик билан қон сизиб чиққанида, жароҳат юзаси қип-қизил бўлиб, тобора кенгайиб боради

Шикастланган одамнинг, айниқса, бир йўла ҳар хил шикастларга дучор бўлган одамнинг бирданига 1-2 литр миқдорида қон йўдотиши унинг ўлими билан ҳам тугаши мумкин.

Қон кетиши (оқиши) ни вақтинча тўхтатиш усуллари

Қон қай хилда кетаётгани (артерия, вена ёки капиллярлардан) га қараб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида қандай воситалар ишга солинишига кўра, қон кетиши(оқиши) вақтинча, ёхуд узил-кесил тўхтатилади.

Артериядан ташқарига отилиб чиқаётган қонни вақтинча тўхтатиш учун резина жгут ёки бурама солиш, қўл ёки оёқни имкони борича қаттиқроқ букилган ҳолатда боғлаш, артериянинг шикастланган жойидан бироз юқори қисмини бармоқлар билан босиш мақсадга мувофиқдир.

Уйқу артерияси жароҳатнинг қуйи қисмидан шу атрофдаги унга яқинроқ, қаттиқ жисм, яъни суякка бармоқ билан аста босилади. Умуман, артерияларни бармоқ билан унинг ёнидаги ёки устидаги бирор суякка босиб туриш қон оқишини вақтинча тўхтатишнинг энг қулай ва осоқ тезкор усулларида бири ҳисобланади.

Қўл-оёқларнинг йирик артериал томирлари шикастланган пайтларда жгут ёки бурама солиш қонни вақтича тўхтатишнинг энг маъқул ва асосий усули эканлигини унутмаслик керак.

Жгутни сон болдир, елка ва билак қисмларига жароҳатга яқинроқ қилиб, аммо қон оқаётган жойдан бироз юқорига солиш лозим. Бундай ҳолатда жгут остидаги терини қисиб, оғритмаслик мақсадида уни енгилроқ кийим устидан ёки унинг тагига юмшоқроқ нарса (сочик, бинт) қўйиш билан амалга ошириш зарур. Жгут ҳаддан ташқари катта куч билан таранг қилиб солинса, унинг остидаги нозик тўқималар, айниқса, асаб томирлари эзилиб, шикастланиши мумкин. Агар жгут етарли даражада таранг қилинмай, бўш тортилса, артериядан қон кетиши давом этади. Бу эса, қўл ёки оёқдаги қонни тесқари йўналишда олиб кетаётган вена қон томирларининг қисилгани аломатидир.

Шикастланган қон томир устига жгут қўйилган вақтнинг куни, соати, дақиқаси қоғозга аниқ ва равшан ёзилиб, одатда уни кўзга яққол ташланиб ту-радиган жой, жгут остига қистириб қўйилади. Лекин, об-ҳавонинг турли ша-роитларида, қолаверса йўлда бу қоғоз парчасининг ивиб, йиртилиб ёки йўқолиб қолмаслиги учун бу маълумотлар пастали қалам билан ўша

қўйилган жгут ёки тўғридан-тўғри ярадорнинг терисига ёзилгани маъқул. Шунинг унутмаслик лозимки, қўйилган жгут қўл ёки оёқда узок вақт назоратсиз қолиши мумкин эмас. Акс ҳолда жгут қўйилган жойдан пастки қисмдаги тўқималар нобуд бўлиши мумкин. Маълумки, жгут ёз пайтларида узоғи билан 1,5- 2 соат, қиш пайтларида эса, 1- 1,5 соат муддатга қўйилиши шарт. Белгиланган муддатдан сўнг агар яна бу ҳолат давом этиши зарур бўлса, артерияни бармоқ билан аста босиб туриб, томир уришини текшириб турган ҳолда жгутни 5-10 дақиқага бўшатиб, аввалги жойдан сал юқориюқ ёки пастроққа яна қайтадан солиш лозим. Кейин жгутнинг қайтадан қўйилган вақти алоҳида қайд этилади. Жгут бўлмаган ҳолда артериядан қон оқишини бурама солиш ёки қўл-оёқни мумкин қадар кўпроқ букиб, шу ҳолатда маҳкам қилиб боғлаб қўйиш билан ҳам тўхтатиш мумкин.

Вена ва капиллярлардан ташқарига сизиб чиқаётган қон оқишини вақтинча тўхтатиш учун жароҳатни босиб турадиган стерил боғлам қўйиш ва баданнинг шикастланган қисмини танага нисбатан бироз юқориюқ ҳолатга келтириш ҳам кифоя. Баъзан, бу ҳолат қон кетишини узил-кесил тўхтатиш учун етарли бўлиши мумкин. Артерия ва вена қон томирларидан кетаётган қон оқишини узил-кесил тўхтатиш жарроҳлик усуллари билан амалга оширилади.

Агар қайсидир ички аъзолардан қон кетаётгани тахмин ёки шубҳа қилинса, дарров ўша соҳага муз солинган халтачалар қўйиш, шикастланган одамни иложи борида тезлик ва эҳтиёткорлик билан замбилга ётқизиб яқинроқдаги тиббий муассасага етказиш зарур.

Суяк синиши. Травматик шок.

Бош шикастланганида калла суяги, бош мия зарарланиши мумкин. Бундай ҳолатда бош мия лат ейиши, чайқалиши (силкиниши) қайд этилади. Бош мия лат егайнда одам эс-хушини йўқотмай, боши оғриб, кўнгли айниб, баъзан, қусиб, беҳузур бўлиши мумкин.

Бош мия каттиқ чайқалганда, силкинганида одамнинг ҳушдан кетши, боши айланиб, каттиқ оғриб, кўнгли айниб, кетма-кет қусиши қайд этилади. Бундай ҳолларда шикастланган одамга кўрсатиладиган биринчи тиббий ёрдам, энг аввало уни тинч қўйиш, бошига совуқ нарса босишдан иборатдир.

Бундай оғир ҳолатдаги шикастланганни имкони борича тезроқ текис жойга ётқизиш керак.

Пайларнинг чўзилиши ҳам одам ножўя сакрагани, қадам босгани, йиқилгани ёхуд оғир юкларни кўтарганида рўй бериши мумкин. Бундай ҳолатларда пайи чўзилган бўғимда оғриқ пайдо бўлиб, шишади, ҳаракат чекланади. Биринчи тиббий ёрдам шикастланган бўғимни бинт билан каттиқ боғлаб, устига совуқ нарса босиш, шикастланган жшни тинч қўйишдир.

Баъзида бўғим ички юзаларининг ўрнидан силжиши, чиқиши, бўғим ҳалтаси йиртилиши, пайлар чўзилиши ҳам қайд этилади.

Суяк синганда кўрсатиладиган биринчи тиббий ёрдам

Суяк синган пайтда биринчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг энг асосий шарти шикастланган одамнинг ҳаётини сақлаб қолишга доир амал-усулларни тезкорлик билан бажариш; қон томирлардан қон оқишини тўхтатиш; травматик шокнинг олдини олиш; жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва ниҳоят, табелдаги ёки қўл остида бўлган барча воситалардан оқилона фсйдаланиб, синган суякни тахтакачлаш, яъни иммобилизация қилишдир.

Иммобилизациядан кўзланган асосий мақсад - синган жойдаги суякларни ўрнидан силжитмаслик, қимирламайдиган қилишдир. Бундай ҳолатда оғриқлар камаяди, травматик шокнинг олди олинади. Суяк синганда ўша жой яқиндаги иккита бўғим (синган жойнинг юқори ва пастдаги)ни махсус шиналар ёки қўл остида бўлган воситалар ёрдамида тахтакачлаб қўйиш шарт. Шундан кейингина шикастланган одамни беҳавотир бир жойдан иккинчи жойга силжитиш, кўчириш мумкин бўлади.

Буни ҳаётда трансплорт иммобилизацияси деб аталади.

Транспорт шиналарининг асосий турлари: шотисимон ва тўрсимон қилиб ишланган металл шиналар; фанерадан ишланган шиналар, Дитерехснинг ёғочдан тайёрланган махсус шинаси.

Шотисимон шиналардан фойдаланганда уларнинг керакли узунликдаги бир нечаси танла олинади ва тананинг қайси қисмига қўйилишига қараб шакли мосланади(шикастланган томондан эмас, тананинг соғлом томонидан андаза олинади) ва нихоят, кийим-бош устидан қўл ёки оёққа боғлаб қўйилади. Фанер шиналар енгил ҳар хил катталиқда бўлганидан уларга маълум бир шакил бериб бермайди. Шунинг учун ҳам уларнинг остига пахта қўйилиб, қўл ёки оёққа бинт, дека билан боғланади.

Иммобилизация учун фанера бўлаклари, таёқчалар, юпка тахталар, каттиқ картон қоғоз, шунингдек, турли уй-рўзгор буюмлари, синган жойни қи-мирлатмасликка ярайдиган бошқа нарсалардан ҳам кемг фойдаланиш мумкин. Шундай қилиш зарурки, бирор жароҳатга боғам қўйиб, уни боғлаш ва иммо-билизация қилиш жараёнида синган суяк бўлақларнинг ўрнидан силжиб қолиши ҳамда ёпик ҳолатдаги синикнинг очик синикка айланишига йўл қўймасли керак.

Қайси суяк қай тарика синган бўлмасин, уларни махсус шиналар ёки қўл остидаги мавжуд воситалар билан иммобилизация қилиш оқибатида тананинг шикастланган қисмлари транспортда ташиш вақтида физиологик жиҳатдан қулай ҳолатда бўлсин ва заррача озор чекмасин.

Қалла суяклари синган пайтларда аксарият бош миёна ҳам зарарланади. одам беҳуш бўлади. Бундай ҳолатларда дастлаб шикастланган кишининг бутун аъзои бадани кўздан кечирилади. Шундан сўнг уни замбилга қорнини пастга қилиб ётқизиш, боши остига (юзига) ўртаси юмшоқроқ тўшама ёки пахта-докадан тайёрланган чамбарак қўйиш лозим .

Жағ суяқларининг устки ва пастки соҳалари шикастланган пайтларда эса, сопқонсимон боғлам қўйиш, шикастланган одамнинг тили томоғига тиқилиб, нафас йўлини беркитиб қўймаслиги учун бошини ён томонга буриб қўйиш лозим.

Ўмров суяги синганда кифтга пахта-докадан тайёрлайган иккита халка солиниб, улар орқадан тортиб боғланади. Кейин қўл дуррача билан осиб қўйи-лади.

Қовурғалар синганда нафас чиқарилган ҳолатда кўкрак қафаси бинт билан қатғиқ боғланади ёки кўкрак қафасини сочиқ билан тортиб, сочиқнинг учлари тикиб қўйилади.

Қўл ва оёқ суяқларининг синиши бошқа суяқларнинг синишига нисбатан кўп учрайди. Бармоқ фалангалари ва панжа суяқлари очиқ синганда жароҳатни стерил боғлам билан боғлаш, бармоқлар ярим букилган ҳолатда бўлишини таъминлаш мақсадида қўл кафтига дока(бинт) билан ўралган қаттиқроқ пахта бўлаги солинади. Билак, қўл панжаси ва бармоқларга фашра, картон ёки шотисимон шина қўйиб, қўл дуррача билан осиб қўйилади.

Билак суяқлари синганда қўлни тирсак бўлимидан туғри бурчак остида аста букиб, кафтини кўкрак томонга буриш ва шу ҳолида шина ёки қўл остидаги мавжуд воситалар ёрдамида қимирламайдиган қилиб боғлаш лозим.

Шина бармоқларнинг остидан то елканинг юқоридаги учдан бир қисмигача етказиб қўйилади . Кейин қўл дуррача билан бўйинга осиб қўйилади.

Елка бўғими шикастлангани, елка суяги синганда шотисимон шина ёки қўлостидаги мавжуд воситалар билан иммобилизация қилинади.

Бундай ҳолатда аввал шинани тирсак бўғимидан букилгав, шикастлаган қўлга соғлом куракдан шикастланган қўлнинг кифти орқали елка ва бармоқларнинг асосига қадар етадиган қилиб шинанинг шакли, андозаси мослаб олинади. Кейин қўл дуррача билан бўйинга осиб қўйилади ёки қўлни гавдага бинт билан маҳкам қилиб боғлаб қўйиш ҳам мумкин.

Оёқ; панжаси суяқлари синганда ёки болдир-панжа бўғими шикастланганда шотисимон шина ёки қўл остидаги мавжуд восита, имкониятлар ишга солинади. Шинани аввал оёқнинг таги ва болдирнянг орқа юзасидан унинг юқоридаги учдан бир қисми қадар етказиб қўйиш учун мослаб букилади. Кейин товон суяги жойлашадиган чуқурчага пахта

солинади. Шундан сўнг шинани оёққа қўйиладиган ва бинтни болдирнинг пастдаги учдан бир қисми билан оёқ панжасидан саккизсимон ўрамлар шаклида юргизиб, болдирнинг юқоридаги учдан бир қисмигача гир айлантриб ўралади, шина мустаҳкамланади. Аммо оёқ панжаси болдирга нисбатан тўғри бурчак сۈтида турадиган қилиб боғланиши зарур.

Фашра ёки ёғоч бўлакчалари билан иммобилизация қилишда бу ёрдамчи воситаларни болдирнинг юқоридаги учдан бир қисмидан оёқ панжасининг остигача етадиган қилиб икки ён томондан, яъни бири ташқи, иккинчиси эса, ички томондан қўйилади, сўнгра оёқ панжаси бинт билан маҳкам қилиб боғланади. Бундай ҳолатда ҳам юқоридаги каби ёғоч бўлакчалари суякнинг зарарламаслиги учун унинг дўмбаймаларига пахта ёстикчалар қўйилади.

Болдир суяклари синганда худди болдир панжа суяклари шикастлангани ҳолатидагидек икки бўғим, яъни болдир-панжа ва тизза бўғимлари қимирламайдиган қилиб мустаҳкамланади. Шина ёки қўл остидаги мавжуд воситалар оёқ панжасидан соннинг юқорйдаги учдан бир қисмигача етадиган бўлиши зарур. Мабода, иммобилизация қилиш учун шу атрофда бирор яроқлик восита топилмаса, шикастланган оёқни соғлом оёққа маҳкам тақаб, боғлаб қўйиш ҳам мумкин.

Сон суягининг синиши, айниқса очик синиши, терининг шикастланиб, жароҳатланиши оқибатида кўп қон кетиши, шок ҳолатига тушиш билан кечадиган оғир жараёндир. Бундай вазиятларда иммобилизация учун мўлжалланган махсус мослама, Дитерехс шиналаридан фойдаланиш қулайдир.

Сон суяги синганда қўлланадиган махсус транспорт (Дитерехс) шинаси суриладиган узун-қисқа иккита ички ва ташқи планка, товонга тақалиб турадиган фашра ва бурама таёқчадан иборат.

Ташқи планка ичкисидан узунроқ бўлиб, уни керакли узунликкача суриб, қўлтиқ сзсти чуқурчасига тақаб қўйилади. Ички планка шикастланган одамнинг боғлаб қўйилган синган жойи ва танаси устига қўйиб, мустаҳкамланади. Бунинг учун планкалар оёқдан 3 см узунроқ бўлиши

лозим. Оёқ ости, товонга қўйиладиган фанера бинт билан ўралиб, оёқ панжасига боғланади. Иккала планканинг учлари оёқ тагига тақалиб турадиган фанеранинг сим тутқичига киритилади ва ташқи планканинг пастки учи ичкиси билан туташтириладиган кўндаланг планка тешигига киритилади. Шина планкалари оёқ ва танага бинт билан боғланади. Сўнгра бурама солиб оёқ тортиб қўйилади.

Синган сон суягини иммобилизация қилиш учун кул остидаги мавжуд воситалардан фойдаланилганида улар соннинг ички ва ташқи юзалари бўйлаб, сербар бинт, камар, сочик, чойшаб билан иккинчи соғлом оёқ ва баданга маҳкам қилиб боғланади. Бундай шикастланишда нафақат сон суяги, балки сон-чаноқ бўғими, сон-тизза бўғими, ҳатто болдир-панжа бўғими, товон суякларини ҳам биргаликда иммобилизация қилиш, мустаҳкамлаш зарур. Шунингдек, юқорида номлари тилга олинган соҳалардаги суякларнинг дўмбаймалари, қўлтиқ ости чуқурчаси ва. чов атрофига ҳам пахта бўлаклари солиш лозим.

Чаноқ суяклари синганда умуртқа поғонаеи шикастланганда шикастланган одамнинг аҳволи ниҳоятда мушкул бўлади. Чунки унинг нафақат чаноқ суяклари, балки шу соҳадаги ички аъзолари, хусусан йўғон ва ингичка ичаклари, сийдик пуффаги, жинсий аъзолари ва бошқалар ҳам шикастланиши, қўл ва оёқлари ишламаслиги мумкин. Шикастланган одам эҳтиёткорлик билан бирор қаттиқроқ нарса (фавгр, тахта, эшшс) устига тизза бўғимлари букилган ва керилган (қурбақага ўхшаш) ҳолатда чалқанча ётқизилиши, оёқлари икки томонга тиззалари остига бирор кийим-бош ёки адёд кўрпача думалоқлаб қўйилиши шарт. Акс ҳолда шикастланган одамнинг аҳволи янада оғирлашиши мумкин.

Куйиш.

Куйиш деб, тўқималарнинг юқори ҳарорат, кимёвий моддалар, нурланиш ҳамда электр токи таъсирида шикастланишига айтилади. Куйишнинг келиб чиқиши сабабига кўра, термик, кимёвий, нур ҳамда электр

токи таъсиридаги куйиш турлари қайд этилади. Бадан териси ва шиллик пардаларга радио фаол моддаларнинг тухшшш оқибатида радиацион куюк, яралар ҳам пайдо бўлади.

Қайноқ сув ва турли иссиқ суюқликлардан куйишда энг юҳори ҳарорат 100 С дан ошмайди ва қисқа вақт таъсир этади. Шунинг учун ҳам бундай ҳолларда юза куйишлар рўй беради. Иссиқ буғдан куйганда эса, жароҳат асосан тери юзасида содир бўлади. Куйишлар иссиқ ва елимсимон ёпишқоқ моддалар (иссиқ елим, битум ва бошқалар) таъсирида ҳам юз бериши мумкин. Бундай иссиқ массалар баданга ёпишиб, узоқ вақт мобайнида жароҳатнинг тубидаги тўқималарга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, ёнғин таъсирида келиб чиқадиган куйишлар энг оғир шикастланишлар туркумига киради. Бундай ҳолатларда куйган кишининг нафақат кийим-боши, балки тери, суяк тўқималари, ҳатто ички аъзолари ҳам куйиб, жароҳат янада кенгайиши ва аҳволни жиддийлаштириши мумкин. Эриган ме-таллар таъсиридаги куйишлар ҳам чуқур жароҳатланишлардан бўлиб, бунда фақат тери эмас, балки тери остидаги бириктирувчи тўқималар, пайлар, му-шаклар, ҳатто суяклар ҳам қаттиқ шикастланади.

Барча турдаги куюк яраларнинг нечоғлик оғир ёки енгил кечиши тўқималарнинг қанчалик чуқур зарарланганлиги ҳамда куйган юзанинг катта-кичиклигига боғлиқ.. Шунга кўра, куйиш даражаси тўрт хил бўлади: енгил/I/, ўртача оғир II, оғир /III/ ва жуда оғир /IV/ .

I даражали куйишда тери юзаси қизаради, шишади, қаттиқ оғрийди.

II даражали куйишда сариқ суюқлик йиғилган пуффакчалар пайдо бўлади. Агар пуффакчалар ёрилган бўлса, бармоқ билан босилганда тўқ пушти рангли суюқлик чиқиб, тери юзаси қаттиқ оғрийди.

III даражали куйиш эса, терининг бутун қатлами нобуд бўлиши билан ифодаланади. Бу даражадаги куйишда ҳам тери юзасида пуффакчалар бўлади, аммо улардаги суюқлик қон рангида, геморрагик тусдадир, холос. Баъзан жароҳат юзасида қуруқ, қалин сариқ-қўнғир тусдаги қасмоқ ҳосил бўлади, оғриқ сезилмайди.

IV даражали куйишда терининг барча қатлами ва тери ости тўқималари, баъзан суяк ҳам куяди. Бундай ҳолатда ҳам жароҳат юзасини қалин қасмоқ эгаллайди.

Куйишнинг 1,11 ва III-даражаларда жароҳат ўз-ўзидан тери ўсиши ҳисобига битади, аммо баъзан III ва айниқса IV даражали куйишларни фақат жар-роҳлик йўли билан даволаш мумкин.

Катта ёшдаги кишиларда куйган жойнинг сатҳини аниқлашда айниқса жароҳатланганлар кўп бўлган вақтларда илмий жиҳатдан тўлиқ асосланган "Тўққизлик қоидаси" ва "Кафт қоидаси" усулларида фойдаланиш мумкин.

"Тўққизлик қоидаси" га биноан, ҳар бир анатомик майдон сатҳи 9 % ҳисобидан олинади. Масалан, бош ва бўйин қисми 9%, ҳар бир қўл 9%, ҳар бир оёқ 18%дан, тананинг олд ва орқа қисми 18%дақ чот ва жинсий аъзолар соҳаси 1%. Бу фоизлар жаъмлаб чиқилганида 100%ни ташкил этади.

"Кафт қоидаси"га кўра, катта ёшдаги одамнинг кафт сатҳи тана юзасининг 1,1%га тенгдир. Болаларда куйган тери сатҳини аниқлашда махсус жадвалдан фойдаланилади, чунки болаларда тананинг ҳар бир соҳаси уларнинг ёшига қараб ўзгариб туради.

Шундай қилиб, баданнинг 10 - 15%дан ортиқ қисми II III даражали куйганда организмнинг ўзига хос умумий оғир ҳолати, яъни куйиш касаллиги пайдо бўлади. Бу эса, бемор нафас олиш аъзоларининг шикастланишига, аҳволининг оғирлашишига, кўпинча куйиш шоки бошланишига олиб келади. Бу ҳолат куйган одамнинг аҳволидаги руҳий ўзгаришлар, безовталиқ, баъзан бефарқлик, қон босимининг дам кўтарилиб, дам пасайиши, қон томирлар тонусининг сусайиши, энг майда қон томирлар, яъни капиллярлар ўтказувчанлик қобилятининг ошиши, суюқликнинг атрофдаги тўқималар, тери юзасига чиқиши, қон камайиши, унинг куйилиши, жигар, буйрак, меъда-ичак фаолиятининг бузилиши, сийдик келмаслиги билан белгиланади. Бундай ҳолат 2-3 кеча-кундузгача давом этиши мумкин.

Куйган одамга биринчи навбатда нимтатир қилиб бироз ош тузи кўшилган илиқ сув ичириш зарур. Куйган одамга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда энг аввало унинг устидаги ёниб турган кийим-бошини ўчириш зарур. Бунинг учун унинг устига бирор кийим ёки кўрпача, аёл ёпилади. Иложи борица, тананинг куйган қисми кийим-бошдан холи қилинади. Кийимнинг куйган жойга ёпишган қисми ўрнида қолдирилиб, жароҳатнинг атрофидаги мато аста қирқиб олинади.

Воқеа содир бўлган жойда куйган жароҳатга боғлам қўйиш мумкин эмас. Агар кимёвий куйиш рўй берган бўлса, зудлик билан шикастланган жой катта миқдордаги совуқ оқар сув билан 10-15 дақиқа мобайнида ювилади. Куйган яра устини куруқ салфетка ёки стерил мато билан беркитиш жоиз. Куйган жароҳат устига бирор дори-дармон айниқса, суртмалар, ёғсимон моддалар қўйиш мумкин эмас.

Тананинг катта қисми куйиб, юзаси кўп зарарланган бўлса, куйган одамни тоза чойшабга ўраб, шокнинг олдини олиш чора-тадбирлари (иссиқ чой, қаҳва, оғрик қолдирадиган дорилар бериш) кўрилади ва тезда тиббий муассасага жўнатилади.

Куйган одамни тиббий муассасага жўнатиш вақтида у албатта ётган ҳолатда бўлиши, унинг совуқатиб қолмаслиги чорасини унутмаслик лозим.

ХИСОБ КИСМ

Эвакуация вақтида одамлар оқими параметрларини ҳисоблаш

Бир томонга ҳаракатланиётган одамлар оқимини оқим зичлиги D , ҳаракат тезлиги V , ҳаракат жадаллиги q ва босқичнинг ўтказиш хусусияти Q белгилайди.

Бир томонга ҳаракатланаётган кишилар ташкил этган одамлар оқимининг кўрсаткичларига оқим зичлиги, ҳаракатланиш тезлиги ва жадаллиги ва йўл қисмининг ўтказиш имкониятлари кирада.

Одамлар оқимининг зичлиги эвакуация йўлининг майдон бирилигида жойлашган кишилар сони билан белгиланади. Катта кишиларни эвакуация қилганда зичлик 10-12 киши/ m^2 , мактаб болаларининг эвакуацичсида эса 20-25 киши/ m^2 бўлиши мумкин.

Одамлар оқими ҳаракатланишининг тезлиги йўлнинг тури ва одамлар оқими зичлиги билан боғлиқдир. Кўп одам тўпланадиган хос бўлганда ўртача зичлик одамлар оқимининг тезлиги;

1. Горизонтал йўлда 16,5 м/мин.;
2. Зинадан пастга 16 м/мин.;
3. Зинадан тепага 11 м/мин. ташкил этади.

Одамлар оқимининг жадаллиги 1 метр кенглигидан 1 минутда ўтадиган кишилар сони билан ўлчанади.

Йўл қисмининг ўтиш имконияти вақт бирлигида ўтиш мумкин бўлган кишилар сони билан белгиланади. Йўлнинг биринчи қисми одамлар оқими зичлиги қуйидаги формулага мувофиқ ҳисобланади

$$D_1 = \frac{N_1 f}{l_1 \delta_1}$$

Бунда N_1 - биринчи қисмдаги одамлар сони, киши;

f - киши горизонтал проекцияси (текисликка тушган тасвири)

нинг ўртача майдони, кв. метрга тенг деб тан олинади:

катта киши уйчи кийимида.....0,1

катта киши қишки кийимда.....0,125

Ўспирин.....0,07

δ - цўлнинг биринчи қисми кенглиги, м.

Жадаллик қиймати йўлнинг барча босқичлари, шу жумладан эшик ўринлари учун ҳам формула бўйича ҳисобланади.

$$q_i = \frac{q_{i-1} \cdot \delta_{i-1}}{\delta_i}$$

Бунда δ_i , δ_{i-1} - йўлнинг кўрилаётган i - ва ундан олдинги қисмларининг кенглиги, м.;

q_i , q_{i-1} - йўлнинг кўрилаётган i -ва ундан олдинги қисмларида одамлар оқими ҳаракатининг жадаллиги, м/мин.

Одамларни эвакуация қилиш учун ҳисобланган вақт (t_p) одамлар оқими эвакуация йўли алоҳида қисмларидан ўтиш вақтининг йиғиндиси t_i бўлиб, формулага мувофиқ белгиланади:

$$t_p = t_1 + t_2 + t_3 + \dots + t_i$$

бунда t_1 -одамлар оқимининг йўлнинг биринчи (бошланғич) қисмида ҳаракати вақти, мин.;

$t_2 + t_3 + \dots + t_i$ - одамлар оқими йўлининг биринчи кейинги ҳар бир қисмда ҳаракати вақти, мин.

Одамлар оқими йўлининг биринчи қисмини босиб ўтиш вақти (t_1) мин. формула ёрдамида ҳисобланади:

$$t_1 = \frac{l_1}{g_1},$$

Бунда l_1 - йўлнинг биринчи қисми узунлиги, м.;

g_1 - одамлар оқими горизонтал йўлининг биринчи қисмида ҳаракат тезлигининг қиймати зичлиги “Д” га боғлиқ, м/мин.

Вақтни τ_δ ҳисоблаб чиқиш учун эвакуация йўлларида турли тўсиқлар тўпланишига рухсат этилган концентрацияси ҳисоблаб чиқилади.

ХУЛОСА

Турмушимизда биз кўпгина табиий ва техноген хавф-хатар билан тўқнашамиз ва улардан кўриладиган талофатларни камайтиришга уринамиз. Уй-жой ичидаги хавфсизлик ва фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш қоидаларини ўрганиш табиий офатлар хавфи юқори ҳудудларда яшаганда энг оқилона эҳтиёткорлик чораларидир.

Ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган табиий офатлар жуда катта миқёсда ва турли вақтларгача бир неча сония дақиқадан (ер сурилиши, ер силкиниши, қор кўчиши) бир неча соатларгача (кучли қор ва ёмғир ёғиши), ҳатто кун ва ойгача (сув тошқини ва ёнғин бўлиши) чўзилиши мумкин.

Лекин бу хилдаги табиий офатлар ҳамма жойларда ҳам юзага келавермайди. Жумладан, ер силкиниши, ер сурилиши офатлари кўпроқ тоғли ҳудудларда кузатиладигани, бунинг оқибатида нафақат инсонлар, балки халқ ҳўжалиги тармоқлари, ҳатто атроф-муҳит қаттиқ шикастланади.

Худди шунга ўхшаш таъсирлар ер сурилиши, қор кўчиши, қурғоқчилик, кучли шамоллар таъсирида ҳам кузатилиб, охиरोқибатда инсонлар катта, ҳам маънавий, ҳам моддий зарар кўрадилар.

Фан ва техниканинг ривожланиши сўзсиз ер силкинишини олдиндан башорат қилиш имкониятини беради. Жумладан, юқорида таъкидланганидек ер ости сувларида ер силкинишидан олдин радон газининг миқдорини ошиш қонунини биринчи бўлиб ўзбек олими Мавлонов томонидан аниқланган ва бу қонуният Тошкент зилзиласи оқибатларини ўрганишда ўз тасдиғини топди.

Зилзила юз берганда авария ҳолати - вайроналар шароитида қидирув-қутқарув ишларини олиб бориш жуда муҳим саналади..

Кўп ҳолларда ҚҚИни вайроналар шароитида олиб боришга тўғри келади. Вайрона деб қурилиш материаллари ва конструкциялари, технолгик ускуналарнинг бўлаклари, санитар-техник воситалар, уй жиҳозлари ва тошларнинг бетартиб бостирилишига айтилади.

Вайроналар ҳосил бўлишининг сабаби табиий офатлар (зилзила, сув тошқини, сунами, ер кўчкиси, шамол, сел оқимлари, тўфонлар), материаллар

эскириши ва коррозиясига олиб келувчи табиий омиллар таъсири (атмосфера намлиги, ер ости сувлари, тупроқнинг чўкиши, ҳаво ҳароратининг кескин ўзгаришлари), лойиҳалаш ва қурилиш жарайонидаги хатоликлар, фойдаланиш ва эксплуатация қоидаларининг бузилиши, ҳарбий ҳаракатлар. Биноларнинг бузилиш даражаси таъсир этувчи омилнинг кучига, унинг таъсир етиш давомийлиги, конструкциянинг зилзилага бардошлилиги, қурилиш сифати, эскириш даражасига боғлиқ.

Корхона ва муассасаларда зилзила пайтида иш тухтатилади. электр токи сув, газ ва буғлар тухтатилиб, фуқаролар муҳофазаси қисмларидаги ишчи ва хизматчилар олдиндан белгилаб қўйилган жойга тўпланадилар, бошқалар эса ҳавфсиз жойларда бўладилар.

Зилзила вақтида уйда бўлмаган фуқаролар уйга шошмаслиги, балки уша жой раҳбарларининг кўрсатмаларини диққат билан кутиб, унга риоя этган ҳолда ҳаракат қилишлари керак. Зилзила вақтида жамоат транспортининг тўла тўхтатилишини кутиб, олдин болаларни, ногирон ва қарияларни тушириш керак. Юриб кетаётганда сакраб тушиб қолиш ярамайди, зилзила вақтида жабрланганларга асосан ёрдамни фуқаролар муҳофазаси қисмлари беради, лекин зарур бўлган ҳолларда аҳолининг ҳам ёрдам бериши мақсадга мувофиқдир.

Эвакуация тадбирлари фавқулодда вазиятлар комиссияси бошлиғи ёки ҳудудий-бошқарув фуқаро муҳофазаси бошлиғи томонидан эълон қилинади. Огоҳлантиришда турли алоқа воситалари: радио, телевидения, телефон, чопарлар ва бошқа белгилар орқали аҳоли эвакуация хусусида огоҳ этилади .

Эвакуация тўғрисида огоҳлантиришни эшитган ҳар бир фуқаро ўзи яшайдиган уйларини эҳтиёт ҳолатда қолдириши (газ, сув, электр манбаиларини ўчиришлари , эшик, ойналарни маҳкам бекитишлари) ва ўзлари билан ҳужжатлари (паспорт, ҳарбий гувоҳнома ва бошқалар), пуллари ва 2-3 кунга етадиган егулик овқат, ичимлик суви ҳамда бир сидра кийим кечакларни олиб эвакуация пунктларига (ЭП) тезда етиб келишлари зарур.

Фодаланилган адабиётлар руйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги Қонуни
2. И.А. Каримов. Ўзбекистон ХХІ бўсағасида. 1999 йил.
3. И.А. Каримов. Ўзбекистон мустақиллика эришиш остонасида. 2011 й
4. И. А. Каримов «Ўзбекистон ХХІ аср бусағасида: хавфсизлйкка тахцид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари». «Ўзбекистон» 1997.
5. И. А. Каримов «Ўзбекистон ХХІ асрга интилмокца», «Ўзбекистон»,1999.
6. Ўзбекистон Республикаси Консгитуцияси. Т, 1998.
7. «Ахолини ва худуддарни табиий ва техноген хусусиятли фавкулодда вазиятларда мухофаза килиш тугрисида» 20.08.1999 йил кабул килинган Ўзбекистон Республикаси конуни.
8. «Ўзбекистон Республикаси фавкулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тугрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг4.03.1996 йилдаги Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фавкулодда вазиятларда уларни олдини олиш ваҳаракат кдлиш давлат тузилмаси тугрисида». 23.12.1997 йилдаги қарори.
10. Безопасность жизнедеятельности. Практические занятия. /Под ред. Гетия И.Г. –М.: “Колос”, 2003 г.
11. Юлдашев О.Р., Абдурахманова О.Ж, и др. Безопасность жизнедеятельность.Учебное пособие.Тошкент, 2009 г.
12. G‘.Yormatov va boshqalar “Hayot faoliyati xafvsizligi” Darslik. Toshkent, 2010 йил.
13. Yuldashev O‘.R., Xasanova O.T., Abdurahmanova A. J. “Hayot faoliyati xafvsizligi” amaliy mashg‘ulotlar to‘plami o‘quv qo‘llanma. Toshkent, 2011 йил.
14. А.В.Фролов, Т.Нбакаева «Безопасность жизнедеятельности. Охрана труда». Высшее образование, 2005 г.
15. С.В Петров, В.А Макашев «Опасные ситуации техногенного характера и защита от них» Учебное пособие. Москва 2008 г.

16. A. Qudratov, T.G'aniev, O'. Yuldashev, G'.Yo. Yormatov, N. Xabibullaev, F.D Xudoev. «Hayot faoliyati xavfsizligi» maruzalar kursi. Toshkent 2005 y
17. Yuldashev O.R., Sapaev Sh.M., va boshqalar «Hayot faoliyati xavfsizligi» fanidan amaly mashg'ulotlar. O'quv qo'llanma. Toshkent 2010 y
18. Т.В. Гитун, А.Г Елисеев и др. «Экстремальная медицина» Полный справочник. Москва 2006 г.
19. О.Р Юлдашев, О.К Абдурахманов и др. «Безопасность жизнедеятельности» Учебное пособие. Ташкент 2009 г.
20. ҚМҚ 2.08.02-96. Биноларнинг зилзила бардошлиги
21. [www. Ziynet.uz](http://www.Ziynet.uz)
22. www.BJD.ru
23. www.МЧС.uz

